11-12 асрларда ўзбеклар Моварауннахрда асосий аҳоли сифатида таркиб топди, ўша даврда «Турк тили» деб ном олган ўзбек тили адабий тил ҳусусиятига эга бўлди. Бу даврда Мусиқа санъати ҳам юксалиб, Абу Ҳафиз Суғдий найга монанд Шоҳруд номида асбоб ясади, ҳалқ куйлари асосида «Росд», «Хусравоний», «Бода», «Ушшоқ», «Зарафғонда», «Сипахон», «Наво», «Басда», «Тарона» ва бошқа куйлар ижод қилинди. Бу куйларнинг кўпчилиги ўзбек, тожик ҳалқлари ҳозирги кунда ҳам куйлаб, ката ва кичикларнинг ҳиссиётига ижобий таъсир кўрсматмоқдалар. Бу даврда илм-фаннинг ўсгани Ал-Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Ибн Сино, Беруний ва бошқа олимларнинг мисолида яққол кўринади.

13 аср бошларида Чингизхон исътелоси ва қилган ёвузликлари натижасида Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида талофат юз берди. Шаҳарлар, суғориш иншоатлари вайрон бўлди, олимлар қувғин қилинди. Ҳалқ Чингизхон зулмига қарши қўзғалди. Унга бўлган нафрати ифодаланган «Гулдурсин» каби афсоналар яратди. Бадиий адабиётда Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» сингари Ислом дини тарғиб қилинган асаллар яратди.

Амир Темур ва унинг авлоди хукмронлик қилган 14-15 асрларда мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётида қайта тикланиш ва ривожланишиш бошланиши билан илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, наққошлиқ, Мусиқа соҳасида, бадиий адабиётда жуда катта ютуқларга эришилди. Ҳалқ оғзаки ижоди ривожланди.

Бу даврда тиббий, тарих, таббий ва адабиёт фанлари соҳасида М. Улуғбек, Қ Румий, /. Жамшид, Али Қушчи, С.Хўжандий, Юсуф Табиб, Хоғиз Абрӯ, А. Самарқандий, Хондамир, А. Навоий, Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Бобур, тилшуносликда Ф. Абу Лайс каби буюк олим, адиллар камол топди.

Темурийлар даврида бунёд этилган «Бибихоним» масжиди, «Гўри Амир» мақбараси, «Шоҳизинда» бинолари, «Боғи майдон» боғи, Бухоро, Самарқанд, Ҳива, /иждувонда қурилган мадрасалар Темурийлар даврида яратилган ўлмас обида, ёдгорликлардир.

Темурийлар даврида Абдураҳмон Хоразмий, Султон Али Машҳадий, Султон Али Ҳандон, Мир Али, Қилқалам, Ҳаливоий, Рафиқий каби хаттотлар, Мирак Наққош, Беҳзод, Музaffer каби мусаввирлар етишди.

Истедодли Беҳзод, Мирак Наққош, Қосим Али, Маҳмуд Музаххаб, Ҳўжа Муҳаммад Наққош, Шоҳ Музaffer чизган расмлар, тасвирий санъат дурдонаси, ўлмас маданий меросимиздир.

Темурийлар даврида етишган Абдуқодир Нойи, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули /ижжакий, Дарвеш Аҳмад Қонуний, Уста Шодий ва бошқа Мусиқачи, бастакор ва ҳофизлар «Рост», «Исфаҳон», «Ироқ», «Наво», «Раҳовий» мақомларини ижод этиб, ўзларидан олдин ижод этилган мақом ва куйларини бойитдилар.

Қутуб, Хоразмий, Амирий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, А. Навоий, Атоий, Саккокий, Бобур, Лутфий, Муҳаммад Солих, Мажлисий ва бошқа шоирлар яратган асарлар ўзбек адабиётининг бебаҳо намунаси, ўзбек ҳалқининг ғурури, ўлмас мероси бўлиб, Дуне ҳалқларига эзгулик баҳш этмоқда.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё ҳалқлари жумладан, Ўзбек ҳалқи билан Эрон, Арабистон, Туркия, Хиндистон, Хитой ҳалқлари ўртасида маданий, адабий алоқалар ривож топганини, Рудакий, Фирдавсий, Ф. Аттор, Ж. Румий, Ҳаққоний, А. Жомий, Низомий, X. Дехлавий, Шерозий, Фузулий, Ҳўжандий ва бошқа шарқнинг буюк алломаларининг ижодий алоқалари мисолида равшан қўриш мумкин. Навоий билан Жомий ўртасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорлик ҳам бунга ёрқин далиллар.

Ўзбек ҳалқи Билан Ўрта Осиёда яшаган бошқа ҳалқлар ўртасида дўстона алоқа бўлганини улар яратган оғзаки ижод намуналарида қўриш мумкин. Масалан, улар яратган достонлар, қаҳрамонлар номининг ўхшашлиги ўзбек, уйғур, қозоқ, тоҷик, қирғиз, туркман ҳалқларига «Кун», «Ой» сўзлари билан бир қаторда ишлатилган номлар ҳам бунинг ёрқин далилларидир. Ўзбек ҳалқ достонларидан «Ойсулув» даги Ойсулув ва унинг ўғли Кунботир, «Кунтуғмиш» даги Кунтуғмиш, «Юсуф ва Аҳмад» достонидаги Кунхон ва Ойхон қаҳрамонлари номига қўшиб айтиладиган «Ой» қўшимчаси, «Алпомиши» даги Барчиной, Қирғиз ҳалқ достони «/ариф Ошиқдаги»даги Ойсанам, «Қирқиз» даги Ойсулув образларида ҳам мавжуд.

17-18 асрларда Пётр 1 ҳукмронлик қилган даврда (1682-1725) рус давлати мустамлакачилик сиёсатини кучайтирди. Маҳаллий феодаллар ўртасидаги зиддиятдан фойдаланиб, Ўрта Осиё ер ости бойликларини эгаллаш йўлларини излай бошлади. Аммо ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришлар қанчалик оғир бўлмасин, меҳнат ва санъат аҳли ўз урф-одатларига кўра ижодий ишни давом эттириди. Безаш санъати кулолчилик, меъморчилик санъати соҳасида 10-15 асрларда бошланган ишларни давом эттириди. Безаги, ҳашамати билан ўз даври руҳи, меъморчилик маданиятининг ёрқин намунаси бўлган «Масжиди Калон», «Қўш мадраса», «Тики телфак фурушон», (Бухорода), «Шердор», «Тиллакор», (Самарқандда) мадраса каби муҳташам бинолари қурилди.

17-19 асрларда бадиий адабиётнинг Саидо Насафий, Турди, Машраб Гулханий, Махмур, Нодира, Увайсий, Анбар Отин, Завқий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, каби талантли номоёндалар етишди, 1962 йилда Муҳаммад Бодий ас-Самарқандий Бухоро поэзиясининг анталогиясини тузди. Муҳаммад Балхий «Суҳонқулихоннома» достонини, Мирмуҳаммад Амин Бухорий «Тарихий Субхонқулихон» китобини яратди.

Бу даврда маданий анъанага кўра, мактаб ва мадрасаларда ўқитиш араб тилида олиб борилди, мадрасаларда илоҳиёт ҳақидаги фанлар билан биргага таббий фанлар ўқитилиди.

Умуман 20 асрга қадар ўтган даврда – Искандар, Араб ҳалифалиги, Мўғуллар ва Россия империяси, 1917 йил давлат тўнтиришидан кейин шукмронлик қилган собиқ совет йилларида ижтимоий маданият, ҳаётда катта ўзгаришлар содир бўлганлигинги кўрамиз. Тарих фанлари номзоди Азamat Зиё айтганидек, айниқса, Амир Темир асос солган салтанат даврида ижтимоий-иктисодий ҳаёт юксалди, илм-фан ва маданият юксалиб гуркираб

ривожланди. Заминимиз, умуман шарқ ўлкалари дунёга хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Термизхий, Бухорий, Аҳмад Яссавий, Фарғоний, Рудакий, Фирдавсий, Умар Хайём, Румий, Улугбек каби буюк даҳоларни тақдим этди.

Осиё, Овропа мамлакатлари Мўғул босқинчилари асоратидан ҳалос этилгач, ижтимоий ва сиёсий, иқтисодий, маданий ҳётда, катта тикланиш бошланди, эр.ав. ва кейин яратилган ҳалқ оғзаки ижоди ўзбек адабиётининг, илмий педагогиканинг шаклланиши ва тараққиётига бебаҳо битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилди.

### **Назорат топшириқлар**

1. Ўзбекистонда ибтидоий жамоа тузими даврида ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиб бориши натижасида нималар юзага келди?
  - А) Янги иқтисодий ижтимоий муносабатлар.
  - Б) Жамоа бўлиб яшаш.
  - В) Мустаҳкам қариндош уруғчилик.
  - Д) Барча жавоблар тўғри.
2. Ўрта Осиёда ишлаб чиқариш кучларининг ортиши билан қайси тармоқлар юксалди?
  - А) Тўқимачилик, ипак газлама
  - Б) Ўймакорлик, кулоғчилик.
  - В) Наққошлиқ, далаларни сунний ўғитлаш,
  - Д) Тасвирий санъат, дехқончилик.
3. 14-15-асрларда табиий тиббий ва тарих адабиёт фанлари соҳасида топганлар?
  - А) Абдураҳмон Жомий, Али Қушчи, З.М.Бобур.
  - Б) Мирзо Улуғбек, Хоразмий, Шоҳ Музафар.
  - В) Камолиддин Беҳзод, Мирок Наққош.
  - Д) Аҳмад Юнакий, Огоҳий, Али Хандон.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбк педагогикаси анталогияси. Т.”Ўқитувчи” 1-жилд 1995 й, 2-жилд 1999 й.
2. “Хикматлар” (Девони хикмат) Т. 1990 й.
3. Ҳалқ педагогикаси-инсон камолотининг асоси. 1-5 китоблар. Т. 1992 й.
4. Қобуснома. Т. “Ўқитувчи” 1994 й.

Ўзбекистон ҳалқлари тарихи. 1-жилд. “Фан”

### **3 –Мавзу: Ҳалқ педагогикаси ва унга хос бўлган хусусиятлар. мавзусидаги маъруза машғулотнинг технологик харитаси**

Т\r босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1-босқич	<p><b>Дарс мақсади:</b> Талабаларда ўзбек миллий таълим-тарбияси: ўзбек ҳалқ педагогикаси хусусиятларининг миллий маданият, илм-фан, санъатдан ва адабиёт соҳасидаги ютукларини талабаларга етказиш ва ушбу масалага нисбатан уларда муносабатни шакллантириш.</p> <p><b>Идентив мақсадлар:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1 Халқ педагогикасининг хусусиятларини уларнинг адабиёт соҳасидаги ютукларини айтиб берадилар.</li> <li>2 Илм-фан ва адабиёт соҳасида эришган ютукларини</li> </ol>	Ўқитувчи

	бир-биридан фарклайдилар.	
2-босқич	<p><b>Асосий тушунчалар:</b> Миллий хусусиятлар, халк педагогикаси, ёш авлод, энг кадимги, маросим, маросим күшиклари, афсона, авесто, халк озаки ижоди ва х.</p> <p><b>Дарс шакли:</b> гурухда ишлаш.</p> <p><b>Воситалар:</b> проектр, компьютер.</p> <p><b>Метод ва усуллар:</b> амалий машғулот, кўрсатиш, тушунтириш.</p>	Ўқитувчи
3-босқич	<p><b>Гурухда ишлаш.</b></p> <p>1.Ўзбек ҳалқ педагогикасининг Ўрта Осиё ижтимоий ҳаётига боғлиқ ҳолда шаклланиши ва ривожланиши тушунтирилади.</p> <p>2.Қадимги даврда Ҳалқ педагогикасининг ривожланиш босқичлари.</p> <p>3.Ўрта Осиё мутафаккирларининг педагогик қарашлари, ғоялари билан таништириш.</p>	Талаба
4-босқич	<p><b>Мустаҳкамлаш ва боҳолаш учун саволлар:</b></p> <p><b>Назорат топшириклари</b></p> <p>1.1.Ҳалқ педагогикаси качондан бошлаб шакиллана бошлади?</p> <p>А) Энг кадимги ёзув придо булишидан олдин Б) Энг кадимги ёзув пайдо булганидан сунг В) 16-асрнинг биринчи ярми Г) 12-асрнинг охири</p> <p>1.2.Ҳалқ педагогикасига қайси жанрлар киради.</p> <p>А) Асар, достон, ривоят Б) Мақол, эртак, топишмоқ, достон В) Масал, хикоя, лапар Г) Латифа, роман, достон</p>	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<p><b>Умумий якуний хуносалар чиқариш:</b> Мақсадга эришилди. Вазифалар бажарилди.</p> <p>Мустақил иш топшириклари қилиб ,талабаларга</p>	Ўқитувчи

### Асосий саволлар.

- Халқ педагогикаси хусусиятларининг илм-фан ва адабиёт соҳасида эришган ютуклари.
- Кадимги оиласи турмуш ва бола тарбиясида кулланилган усуллар.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Миллий хусусиятлар, халқ педагогикаси, ёш авлод, энг кадимги, маросим, маросим күшиклари, афсона, авесто, халк озаки ижоди ва х.к.

**1-асосий масала буйича уқитувчининг мақсади:** Узбек ҳалқ педагогикаси хусусиятларининг миллий маданият, илм-фан, санъатдан ва адабиёт соҳасидаги ютукларини талабаларга етказиш ва ушбу масалага нисбатан уларда муносабатни шакллантириш.

### Идентив ўқув мақсади:

- Халқ педагогикасининг хусусиятларини уларнинг адабиёт соҳасидаги ютукларини айтиб берадилар.
- Илм-фан ва адабиёт соҳасида эришган ютукларини бир-биридан фарклайдилар.

### **1-асосий саволнинг баёни:**

Ўзбек халкига хос миллий ҳусусиятлар, унинг миллий маданияти, илм-фан, санъат ва адабиёт соҳасида эришган ютуқларида, оиласвий турмуш тарзида бола тарбиясида қулланган усул ва тадбирларда номоёндир.

Ёш авлодни хаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қулланган усул ва восита тадбир шакллари, урф-одат ва анъаналар, тарбия хақидаги ғоялар-хаётий тажрибалар ўзбек ҳалк педагогикасида мужассамдир.

Хали мактаб бўлмаган педагогика фан сифатида шаклланмаган даврдаёқ қабила аъзоларининг болалар тарбияси соҳасида ортирган, тажрибалари хаётий меваси сифатида бизнинг давримизга қадар етиб келган ва ҳалк педагогикаси шаклида таркиб топди. Хар биржамиятда яшаган ҳалк руҳи, дўстлик, биродарлик, мардлик, ватан ва ҳалкка содиқлик ғоялари, ота-оналарнинг ўзаро ахилиги, улар билан фарзанднинг ўзаро меҳр-мухаббати, қадр-қиммати, инсоний энг яхши фазилатлари у ижод этган мақол, топишмоқ, эртак, латифа, лапар, асқия, достонларда тараннум этган. Бу ёдгорликлар ўз муҳтасарлиги, қизиқарлилиги, ровонлиги, охангдорлиги, пандномалиги (дидактиклиги) ғоявийлиги билан, ғоятда муҳим тарбиявий ахамиятга эгадир.

Ҳалқ педагогикасининг энг қадимги ёзув пайдо бўлишидан олдин шаклланди. Шунга кўра, у илмий педагогиканинг бошланиши хисобланди. Ҳалқ педагогикаси инсон, ҳалқ бунёд бўлган даврдан бошлаб мавжуддир. Жамоатчилик ҳусусияти, хаётийлик, хаётий ифодалилик-ҳалқ педагогикасининг асосий ҳусусиятидир.

Ҳалқ педагогикасида ҳар бир ҳалкка хос донишмандлик унинг тили, атама ва шеваларида ёрқин қўринади. Шу сабабли ҳам ҳалқ педагогикаси, кенг меҳнат ахлига тушинарлидир. Айрим атамалар истеъмолдан чиққанлигига қарамай, ёзма адабиётда, ҳалқ ижодида яшамоқда, ғоявий эстетик, фазифани бажармоқда. Ҳалқ педагогикасига хос образлилик, ёрқинлик, таъсирчанлик, кучи фақат, сифатлаш, муболаға, мажоз, риторлик сурок ва ундошларда эмас, балки тил бойликлари, фонетика, морфология, синтаксисда ҳам номоёндир.

### **Назорат топшириклари**

1.1. Ҳалқ редагикаси качондан бошлаб шакиллана бошлади?

- А) Энг қадимги ёзув придо булишидан олдин
- Б) Энг қадимги ёзув пайдо булганидан сунг
- В) 16-асрнинг биринчи ярми
- Г) 12-асрнинг охири

**2-асосий масала буйича уқитувчининг мақсади:** Кадимги оиласвий турмуш тарзи бола тарбиясида қулланилган усуллар ва тадбирларда номоён булиши хакида таълабаларга билим ва қунишка бериш.

### **Идентив ўқув максадлари:**

- 2.1 Кадимги оиласвий турмуш тарзи хакида сузлаб берадилар.
- 2.2 Бола тарбиясида қулланилган усул ва тадбирларни бир-биридан фарклайдилар.

### **2-асосий саволнинг баёни:**

Ҳар бир ҳалқ педагогикаси бошқа ҳалқлар маънавий-маданияти билан ўзаро алоқада бойиб боради. Ҳалқлар хаётида урф-одат ва анъаналардаги ўхшашлиқ улар яратган ёдгорликлар мавжуддир. Аммо, бундан катъий назар, ҳар бир ёдгорлик уни яратган, ижод этган ҳалққа мансубдир, унинг миллий ёдгорлигидир. Шу сабабли ҳам ҳалқ ижодий асарларида миллийлик ҳусусияти намоёндир. Асарлар номи, уларда тилга олинган, ҳудуд, буюм, ўсимлик, қушлар, хайвонлар, турмушда қўлланган асбоблар номи ҳам бунинг ёрқин далилидир. Масалан, ипак қурти, атлас дейилса, аввало шубҳасиз ипакчилик ўзбек ҳалқига хос миллий анъана бўлганлиги тасаввур қилинади.”Рустамхон”, “Кунтуғмиш” десак унинг ўзбек ҳалқига ,”Манас” десак у қирғиз ҳалқига ,”Ойсулув” десак у қозоқ ҳалқига хослигини англаймиз.

Халқ педагогикасида халқ ижод этган қўшиқлар, ўйинлар бола тарбиясида , уни ҳаётга тайёрлашда , болалар ўртасида ахилликни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади. Ҳалқимиз яратган қўшиқлар ва ўйинлар 11 асрнинг буюк тилшуноси тарихчиси, этнографик Махмуд Қошғарийнинг «Девону Лугати - турк» китоби орқали бизгача етиб келган Махмуд Қошғарий ўз асарида ҳалқнинг турли мавзуларда яратган қўшиқаридан намуналар берган.

Мехнат қўшиқларида овчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва дехқончилик ҳаёти, меҳнат жараёни, ижобий жамоа анъаналари, қабила аъзоларининг ҳамжихат меҳнати акс эттирилди.

Ов ҳақидаги қўшиқларда қабила аъзоларининг овчилик санъати, овчиликка қизиқиши тасвирланди.

Қаҳрамонлик ҳақидаги қўшиқларда, қабилалар ўртасида юз берган жанг лавҳалари, жасорат кўрсатган баҳодирлар, қаҳрамонлиги ифодаланди.

Маросим қўшиқларида жанг майдонида баҳодирларча курашиб, ҳалок бўлган кишиларнинг мардлик ,фидоийлик фазилати тасвирланди.

Ҳалқ кашф этган «Бекинмачоқ», «Қувлашмачоқ», «Зағизон», «Айланма дарра», «Ўрта қўлимни топ», «Ким чаққон», «Айёр тулки», «Тортишмачоқ» ва бошка тур уйинлар болаларда харакат фаоллигини мустакил фикрлаш, чаконлик, дўстни химоя килиш ўхшатиш чамалаш, сўзларни тугри ва бир вактда айтиш, бир жойда туриб турли харакатларни бажариш каби кобилиятларни устиришга ёрдам берди.

Ибтидоий жамиятда меҳнат жараёнининг ривожланиб бориши билан кишилар тажрибаси ва онгида, дунёкарашида ҳам ўзгариш юз бериши билан жамоа аъзоларида бадиий дид, тушинча шаклланиб борди, натижада оғзаки бадиий сўз санъати, мифлар, афсоналар, қозоқ, эпоси қўшиқ мақол топишмоқ ва латифалар юзага келди ва бу ёдгорликлар ёзма адабиётнинг вужудга келиши учун замин бўлди.

Ибтидоий жамоа кишилари табиатда яшин, довул, зилзила, чақмоқ, каби ходисаларнинг юз бериши сабабларини билмаганлари учун ер ва осмонни жонли нарсалар деб тасаввур этганлар, айрим ҳайвонларни муқаддас деб ҳис қилганлар. Улар табиатда ўзларига «дўст» ва «душман» кучлар бор деб ўйлаганлар.

Ота-боболаримиз ўртасида қуёшга, оловга эътиқод қўйиб, унга талпиниш жуда қадимдан давом этган. Митра-қуёш ва ёруғлик худоси. Ноҳит-ободончилик ва фаровонлик худоси, Анахита ва Хубби сув худоси, Миррих-уруш ва ғалаба худоси, яхшилик ва эзгулик эса Какмарс Йима (Жемшид) Гиршепс каби афсонавий образларда ифодаланган Ёмонлик кучлари аждар, дев, жин каби салбий образлар орқали акс эттирилган.

Ибтидоий кишиларнинг дунёни шу тарзда тасаввур қилишлари заминида ходислар, ҳайвон ва қушлар ҳақида мифлар пайо бўлди. Бу мифларда кишиларни ҳаётни севишига, ҳаётда сабр тоқатли бўлишга, ёвуз кучларга қарши курашга даъват қилинади, уларда инсоннинг куч-кудрати улуғланади. Бу мифологик-афсоавий тушунчалар «Авесто» да кенг ўрин олди. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш Митра Йима,(жемшид), Эликбек каби афсоналар образларда мужассамлаштирилган.

«Авесто»да талқин қилишича Ўрта Осиё ва Эронда қуёш ва ёруғлик маъбудаси-Митра :файз ва барака мабудаси - Ҳумо : ер сув худоси –Анахите қирғин урушлар ва музafferлик мабуди-Миррих, яхшилик ва эзгулик мабудалари Гайа Меретан вайима кабилар муқаддас саналган, эъозланган, ҳамда уларга сингилган. Кадимги даврларда зардўштийлик сифинган Урта Осиёликлар орасида Чўпонота –подачи ва чўпонлар пири Эр Хубби –Амударё сувиниг пири ва хомийси Камбар – отбоқар ва йилқичилар пири ва хомийси сифатида машхур бўлган, муқаддас саналган ва улар ҳақида турли даврларда ҳар ҳил савиядаги ҳалқ оғзаки ижоди асарлари яратилган.

«Авесто»да шухрат топган қаҳрамонларнинг ёвузылик тимсолига қарши қўйилган қисмлар бор. Уларда тасвирланишича, ёвузыликка қарши чиққан пахловон жанг олдидан ғалаба қозонишни сўраб, муқаддас хомийга сифинади, илтижо қиласи: О, марҳаматли, забардаст Ардвисура Амахитаменга мадад бер, уч оғиз ва уч бошли, олти кўз ва минг ҳил кучлар чултони, баҳайбат Ажи Даҳок устидан ғолиб чиқай.

Академик Я. Гуломов ўзининг «Хоразмийнинг сўюрилиш тарихи» (Тошкент, Фан» нашриёти ,1959й, 32 бет) номидаги асарида Хубби кулъти ҳақидаги афсона қадимги Хоразм

вохасида яшаган, касб-кори Амударёда кемачилик бўлган кишиларнинг афсонавий тасаввурлари асосида юзага келганини айтди .

Афсонада ҳикоя қилинишича Фариддун ва Жамшид подшолик қилмасдан кўп вақтлар илгари Амударёда бир йигит яшаган ва у йигит дарёнинг ҳокими бўлган. Унинг исми Хубби бўлган. Хубби балиқ билан овқатланган, у бир қўли билан балиқни тутиб олар эканда, уни қўёшга узатар экан, балиқ шу ондаёқ қовурилар экан. У етти юз йил давомида Амударёда яшаган ва бу вақт ичида ҳеч қандай ёвуз жин дарёга яқинлаша олмаган хатто бу даврда чивинлар ҳам бўлмаган. Жашид тахтга ўтирган вақтдан бошлаб, Хубби дом дараксиз ғоиб бўлган. Уни осмон денгизи маликаси-гўзал бир қиз ўғирлаб кетган деб ўйладилар. У ғойиб бўлганидан кейин Амударёда Хуббининг онаси пайдо бўлган. У узоқ вақт давомида йиғлаб-йиғлаб, ўз ўғлини қидиради. Ана шу Хуббининг онаси биринчи қайиқни қурган ва ҳалқни дарёда уришишга ўргатган. Сўнгра Хуббининг онаси бутунлай кетиб қолган. Чоллар: Илгарги вақтларда кеманинг бурнида шу хотиннинг ҳайкали ўрнатилган эди», - дейдилар. Сўнгра мусулмонлар еалганидан кейин улар бу одатга эътибор бериб, уни йўқ қилишни буюрганлар. Шу вақтдан бошлаб бу ҳайкалнинг бошини кесиб ташлаганлар, фақат унинг икки сеч ўрими қолган .

Минг йил давомида, Хуббининг онаси аза тутган ва у билан бирга дарё, сахро, тоғ ва қоялар йиғлаган, одамлар, қушлар, хайвонлар йиғлаган. Хубби итирк, у киёматгача яшайди. Хубби нажот берур, Нух мадад берур. Мана қандай куч бу муқаддас дарёга ҳомийлик қиласди.

Митра қўёш ва ёруғлик маъбудаси. У кишиларга баҳт саодат баҳш этади. Биз қўшинни жангга тайёрлайдиган, жангчини йиғадиган Митрага, қўшинни жангга мослаб саф тортириадиган, ёв сафини титратиб, лашкар бошида туриб жангга кирадиган, ҳаммадан кучли, қудратли йўлбошчига сажда қиласмиз...

Митра аравада туриб, суюқдан мохирлик билан ишлаган, буқа тасмасидан таранг қиласди тортилган ёйидан мингларча ўқ узади. Унинг ўқлари фикрдай учади, фикрдай тезлик билан девлар бошига ёғилади.

Митра ўзининг ялтироқ гурзисини кўтариб юрадиу гурзи ва нишли, юз балдоқли бўлиб тез келиб урилади, душманларни парчалайди. У ҳаммадан кучли қурол бўлиб, ялтироқ темирдан ясалган ва устига олтин қопланган. Бужуда бақувват қуролни, ҳар қандай ёвни яксон қиласиган бу қуролни у даст кўтаради...»

Митранинг ёрдамчилари ҳам унинг ўзи каби қудратли пахлавонлардир. Улардан бири Ахура Мазда....Вертрагнадер: Биз Митрага сажда қиласизунинг олдида Вертрагна югуриб боради. У келишган гавдали, ўткир тишли, ҳар қандай жоноворни бир ташлашда гумдон қиласиган озуқа тишли тўнгиз, жуда ҳайбатли, бақувват ғоят шўх, хужумдан тоймайдиган, чопоғон, темир оёқли, темир думли, темир жангли тўнғиздир. Удадиллик билан югуради, душманларни тилка пора қиласди, уларни енгигиб йўқ қиласди.

Гершапс-ўлимни енгувчи баҳодир. Бир аждар кишиларга кўп баҳтсизликлар келтиради, қабиланинг ҳаёти ҳавф остида қолади. Каҳрамон Гершапс аждарга қарши жангга отланади, аждарнинг масканига қараб йўл олади. Гершапс туш чоқига қадар аждарни кидиради бирок уни тополмайди. У ут қалаб овқат пиширмокчи булади. Аждар шунчалик катта эканки, Гершапс анча вакт ухлаб аждарнинг устида айланиб юрса ҳам, уни пайкамаган экан ва уз учогини уни устига курган экан. Ут аждарнинг баданини кизитибди, вазмин кимирлай бошлабди. Шундан кейингина Гершапс аждар устида кезиб юрганини пайкаб олибди. Лекин Гершапс вахимага ва саросималикка тушмабди. У бу улкан ва даҳшатли маҳлукка карши жанг бошлаб, қуролларни мохирлик билан ишлатиб аждарни енгигиб, кишиларни халокатдан куткарибди.

«Чистони Эликбек» ёдгорлик матнида ҳалк баҳодири Эликбек образи тасвирида куйдагилар ҳикоя килинади. «Жинлар Эликбекнинг кабиладошларидан куп кишини кириб ташлайди. Ракшош номли даҳшатли душман юкумли касаллик таркатади. Фидокор Эликбек эл-юртини халокатдан куткариб колмок учун душманларга карши жангга отланади. У бир чорраҳада сон-соноксиз жингларга дуч келади, улар кишиларни бурдалаб, конини суриб, ичак-човокларини баданларига ураб олган эканлар. Эликбекни курган жинлар вахимали шовкин сурон кутариб, унга ёпирилиб кела бошлайдилар. Бирок Эликбек куркмайди, йулбасдек жангга отланиб, жинларга карата бундай дейди. «Ой яклар, таркин манга

сузланглар. Маним Болик-кмтоки будунуг бу кунуг нагулук улурулсизлар? Шу манинг ети киличимни куринглар Атус унгарини бичиб унг-унг камшайин.» ( эй жинлар менга бот сўзлангиз менинг шахримдаги элни ўлдирасиз? Менинг бу ўткир киличимни кўринг. Таналарингизни парчалаб бошка бўшка томонга ташлайин). Жинлар яна вахима солиб курол ишлатиб Элиқбекни маҳв килмокчи бўладилар. Бирок Элиқбека бас кела олмайдилар. Элиқбек куч куввати ва шижаоти билан жинларга даҳшат солади. Жинлар энди ёлворишга шавкат сўрашга мажбур бўладилар. Жинларни енган Элиқбек улардан шахарнинг жануб ёнида бир азим толнинг кавагида яшовчи уч кўзли олов тусли Ракшошнинг эл юрга юкумли касал таркатаётганини или олиб унга карши жўнайди...»

Урта Осиёда яшаган халкларнинг оғзаки ижодида улар яратган каҳрамонлик ривоятлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу ривоятлар ижтимоий хаёт билан bogлик холда бўлиб уларда халк каҳрамонларининг ватвнга халкка булган садокати ифодаланган. Буни “Тўмарис”, “Широк”, “Зарина ва Стриангия”, “Рустам”, “Сиёвуш” ривоятларида тасвириланган.

“Зарина ва Стриангия” киссасининг мазмуни. Шаклар шохи ўлиб унинг ўрнига хотини малика Зарина кабилага бош бўлади. Тадбирли ва шижаатли бу аёл кабиланинг осоишталиги ва мустакиллигини саклаб колиш учун жонбозлик кўрсатади. Шаклар билан Мидия ўртасида каттик жанг бўлади. Бу жангда маика Зарина катта шижаот кўрсатади. Бирок Мидия шахзодаси Стриангия уни яродар килади. Заринанинг ботирлиги ва хуснига мафтун бўлган Стриангия уни асир олмайди, кечиради. Орадан бир мунча вакт ўтади. Парфия шохи Заринага уйланиб шакларни узига тоъбе килмокчи булади. Зарина унинг таклифини рад этади. Бирок шох зўрлик билан унга уйланиб Шакларни карам килади. Зарина хар кандай килиб бўлса хам нажот топиб кабиласининг мустакиллигини тиклашга интилади. Шу орада парфия билан мидия уртасида каттик жанг бўлиб Мидиянинг кўп аскарлари асир олинади. Асирлар орасида Стриангия хам бор эди. Зарина у билан бирга асирларга бош бўлиб Парфия шохи енгилади, асирлар озод бўлади, Зарина нажот топади, унинг кабиласи ўз мустакиллигини тиклади. Шу воқеалар давомида Стриангия Заринани севиб колади. Зарина Стириангияни хурмат килса хам, хотини борлиги учун уйланиш таклифини рад этади. Стриангия бунга чидай олмай ўзини халок этади.”

Рустам.”...Рустам девларни уларнинг шахарлари дарвозаларига кадар кувиб боради. Кўп девлар халок бўлади, колганлари шахар дарвозасини бекитиб олади. Рустам галаба билан кайтади. Ёлгиз Рустамнинг ўзидан маглуб бўлган девлар газабланиб унга карши жангни давом эттиришга карор килишади. сон саноксиз девлар от араваларга фил чўчкч тулки ит ва илонларга миниб йўлга тушадилар. Уларнинг бир качаси пиёда борар эди... Рустамнинг Раҳш номли оти яйловда ўтламокда, унинг ўзи эса катта галабадан кеин ширин уйкуда эди. Узокдан девларнинг пайдо бўлганини кўрган Раҳш Рустамни уйготади. Рустам саросимага тушмайди. У девларни якин келтириш ва кукисадан хужум этиш учун касдан оркасига караб от суреб кетади. Уни кувиб бораётган девлар энди галаба козонишларига ишонади, хар кандай киби бўлса хам Рустамни тириклайн ушлаб каттик жабирлашга ахт килишади. Лекин бирдан Рустам отини душман томонга буриб девларга хамла килади. Девлар тум таракай коча бошлайди, уларнинг кўпчилиги яраланади кўплари ўлади...”

“Сиёвуш афсонавий Эрон шохларидан бўлган Каёний шохларидан Кайковуснинг ўгли Сиёвуш ўз хусни жамоли билан хаммани мафтун килади. У онасининг эҳтиросини рад этиб маломат ва тухматга колади. У ўз поклигини исбот килиш учун катта аланга устидан от суреб ўтади. У Таронга карши курашиб каҳрамонликлар кўрсатади. Тухматчи ўгай она даргохига кайтишни истамаган Сиёвуш каҳрамон Афросиёбнинг пойтахтига йўл олади. Афросиёб уни яхши кутиб олади. Сиёвуш Афросиёбнинг кизига уйланади. Жангларда ботирлик кўрсатади. Бирок фитначи амалдорлар Сиёвуш ва Афроиёб ўртасида адоват тугдирадилар. Афросиёб Сиёвушни ўлдиради. Сиёвушнинг ўгли Кайхсрав Хоразмий шохлар сулоласига асос солади.

Жамиятнинг тарихий тараккиёти жараёнида вужудга келган афсоналар буюк форс шоири Фирдавсийнинг Шарқ ва Гарбда шуҳрат козонган “Шоҳнома” асарининг асосини ташкил этади.

Халк педагогикасининг оғзаки равища авлоддан ўтиб келаётган ёдгорликларида ( макол, топишмок, эртак, латифа, достон) халкнинг моддий дунёнинг моддийлиги, хаётда

ходисаларнинг содир бўлиши сабаби ва окибатлари табиат ва жамият ходисаларининг бир бирига боғликлиги шакл ва мазмун бирлиги бола тарбияси хакидаги тасаввури ифодаланган.

Ўтмишда оиласда турли мавзудаги эртак, латифа, хикматлардан кенг фойдаланилган. Ота оналарнинг тунда уйку олдидан айтиб берган эртакларидан болалари руҳий озука олган, хаётдаги ва одамлардаги яхши фазилат ва ёмон хислатларни билиб олишган, хурмат ва мурувват, адолат каби тушунчалар хакида тасаввурга эга бўлишган.

Халк педагогикасида оғзаки ижод намунаси бўлган достонлар хам тарбивий ахамияти жихатидан салмокли ўринни эгаллади. Ўзбек халки яратган достонларда халк хаёти, урф-одати миллий мустакиллик учун олиб борган кураши галабага ишончи акс эттирилган. Масалан. “Алпомиш” “Рустам” туркумидаги “Муродхон” достонларида ўзбек миллий урф одатлари ананалари фидокорлик дўстлик садоқатлилик севги ва вафо инсоф ва адолат каби инсоний фазилатлар Алпомиш, Коражон, Ойбарчин, Калдиргок, Муродхон, Орзигул образлари оркали бадий ифодаланган.

Халк томонидан яратилган достонларни Фозил Йўлдош ўгли, Эргаш Жуманбулбул ўгли, Пўлкан, Ислом шоир каби бахшилар ёдан кўйлайдилар, бу жанрнинг ривожига салмокли хисса кўшадилар. Ходи Зарипов, Мансур Авзалов каби фолклор шунос олимлар халк достнларини тўплаб тадқик килиб нашр эттириб кенг китобхонлар оммасини хушнуд килдилар, янги давр хаёти акс эттирилган достонларнинг яратишига замин яратдилар.

### **Назорат топшириклари:**

1.1. Халк кашф этган кайси уйинлар болаларда фикрлаш чакколик, дустни химоя килиш ва х.к. хислатларни шакллантиришда муҳим ахамият касб этади.

- A) «Бекинмачок», «Кувлашмачок»
- Б) «Загизон», «Айланма дарра»
- В) «Урта кулимни топ» ва «Ким чакон»
- Г) Барча жавоблар тугри.

1.2. Урта Осиё ва Эронда куёш ва ёргулук маъбудаси нима хисобланган?

- А) Нохит
- Б) Митра
- В) Хумо
- Г) Анахита

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Болалар богчаларида халк уйинлари. Т. 1991 й.
2. Узбек педагогикаси анталогияси. Т. “Уқитувчи”, 1-жилд 1995 й, 2-жилд 1999 й.
3. Халк педагогикаси-инсон камолотининг асоси. 1-5 китоблар. Т. 1992й.
4. Узбек халк эртаклари. Т. “Уқитувчи” 1988 й ва х.к.

## **4-мавзу: Ўтмишда бола тарбиясида қўлланган усувлар мавзусидаги маъруза машғулотнинг технологик харитаси**

Т\r босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга oshiрувчи маъсул
1-босқич	<p><b>Дарс мақсади</b> Ўтмишда бола тарбиясида қўлланилган усувлар, урф-одатлар, анъаналар, хақида талабаларга билим бериш ва таълим беришда халқ педагогикасининг ўрнини тушунтириш.</p> <p>Ўтмишда бола тарбиясида қўлланилган усувлар, урф-одатлар, анъаналар, хақида талабаларга билим бериш ва таълим беришда халқ педагогикасининг ўрнини тушунтириш.</p> <p><b>Идентив мақсадлар:</b></p>	Ўқитувчи

	1.1. Ўтмишда бола тарбиясида қўлланиладиган усуллар ва воситалар ҳақида билимга эга бўладилар. 1.2. Ўтмишда бола тарбиясида қўлланган усул ва воситаларнинг ҳозирги кундаги болалар тарбиясида тутган ўрни ҳақида баҳс юритадилар.	
2-босқич	<b>Асосий тушунчалар:</b> Ахлок, ўтмишда бола тарбияси, тарбия, хулк- автор, хислат, ота-она, мактаб, фан, дарс, урф-одат, халқ оғзаки ижоди, хислатлар, усуллар ва х.зо. <b>Дарс шакли:</b> гурухда ишлаш. <b>Воситалар:</b> проекстр, компьютер. <b>Метод ва усуллар:</b> амалий машғулот, кўрсатиш, тушунтириш.	Ўқитувчи
3-босқич	<b>Гурухда ишлаш.</b> 1. Ўтмишда бола тарбиясида ота-оналарнинг куллаган усуллари. 2. Мактабда ўқитиладиган фанларда урф-одатлар, халқ оғзаки ижодининг аҳамияти.	Талаба
4-босқич	<b>Мустаҳкамлаш ва бохолаш учун саволлар:</b> <b>Назорат топшириклари.</b> 1. Утмишда ота-боболаримиз тарбияда кандай усуллардан фойдаланган? А) Насихат, тушунтириш, рагбатлантириш. Б) Макташ, наъмуна курсатиш, танбех бериш. В) Таъкиклаш, мажбур килиш, куркитиши. Д) Барча жавоблар тугри. 2. Кандай усуллар кичик ёшдаги болаларни тарбиялашда мухим аҳамиятга эга? А) Йул- йурик курсатиш, Б) Тушинтириш , В) Жазолаш, Г) А ва Б жавоблар тугри.	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<b>Умумий яқуний хуносалар чиқариш:</b> Мақсадга эришилди. Вазифалар бажарилди. Мустақил иш топшириклари қилиб ,талабаларга	Ўқитувчи

**АСОСИЙ САВОЛЛАР**

3. Ўтмишда бола тарбиясида ота-оналарнинг куллаган усуллари.  
4. Мактабда ўқитиладиган фанларда урф-одатлар, халқ оғзаки ижодининг аҳамияти.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Ахлок, ўтмишда бола тарбияси, тарбия, хулк-автор, хислат, ота-она, мактаб, фан, дарс, урф-одат, халқ оғзаки ижоди, хислатлар, усуллар ва х.зо.

**1-асосий масала буйича уқитувчининг мақсади:** Ўтмишда бола тарбиясида қўлланилган усуллар, урф-одатлар, анъаналар, ҳақида талабаларга билим бериш ва таълим беришда халқ педагогикасининг ўринини тушунтириш.

**Идентив ўқув мақсади**

- 1.1. Ўтмишда бола тарбиясида қўлланиладиган усуллар ва воситалар ҳақида билимга эга бўладилар.

1.2. Ўтмишда бола тарбиясида қўлланган усул ва воситаларнинг ҳозирги кундаги болалар тарбиясида тутган ўрни хақида баҳс юритадилар.

**1-асосий саволнинг баёни:** Ўтмишда ота-боболаримиз тарбияда насиҳат, тушунтириш, мақташ, рағбатлантириш, наъмуна кўрсатиш, танбех бериш, тақиқлаш, мажбур қилиш, пўписа килиш, қўрқитиш каби усуллардан фойдаланганлар. Жамоа азолари бу усулларни қўллашда, аҳлок қоидаларига суюнган холда, қилган иши, хатти-харакатининг тўгри ёки нотўгрилиги хақида болада ишонч хосил килишга харакат қилганлар, унга аҳлоклилик ва аҳлоксизлик, одиллик ваadolатсизлик, яхшилик ва ёмонликнинг маъносини тушунтирганлар. Бу тартиб тарбияда асосий қоида хисобланган. Тушунтиришда болаларнинг ёши ҳисобга олинган. Ота-оналар болаларга аҳлок қоидаларини тушунтиришда, «Камтарлик ҳам бир хислат», «Одоб-кишининг зеби зийнати», «Эшик очик бўлса ҳам сўраб кир», мақоллари, «Ётиш қоидаси» ҳикояси, «Хасис ва афанди», «Ховлиқма», «Мактанчок» каби латифаларидан фойдаланишган. Чунки макол ва латифаларнинг образлилиги болалар онгига, ҳиссиятига кучли таъсир этган. Халк педагогикасида болага фикрни қисқа, аник баён этиш қобилиятини ўстиришга эътибор берилган. Яхши сўз, яхшилик қилиш, ёмонлик ва кўп сўзлашнинг зарари хақида мақоллар ижод қилинган.

Оз сўз-соз сўз,  
Тилга ихтиёрсиз-  
Элга эътиборсиз.  
Яхшилик ерда қолмас.

Яхшидан боғ қолар,  
Ёмондан доғ ғолар.  
Яхши одам ошини ер,  
Ёмон одам бошини ер.

ва бошқалар.

Аҳлок қоидалари бир гурух болаларга ва бир болага алоҳида тушунтирилган. Айрим вақтларда катталар бирлашиб боласи аҳлоксизлик қилган оиласда сухбат ўтказишган, боланинг хатти-харакатидаги ноўрин жихатларни кўрсатиб, ота-оналарга тегишли маслаҳатлар берганлар. Ўтмишда аҳлок тарбиясида насиҳат килиш, маслаҳат бериш усули ҳам кенг қўлланган. Ота-оналар ўз болаларига катталар ўртасида улар билан сўзлашганда меҳмонга борилганда, ўзини қандай тутиш хақида насиҳат қилганлар, аҳлок қоидаларига риоя этган болалар ва катталар номини ўrnak килиб тилга олганлар. Шунингдек, улар ўз уйларида меҳмонни кабул килиш, тартибини бузган-“ассалому алайкум” деб кутиб олмаган, овкат ва чой келтиришда ноўрин харакат қилган, меҳмон қўлига сув куйиб, сочик тутмаган, кетишида хайрлашишни унугланган, болаларга меҳмон кетгандан кейин насиҳат килиб, йўл қўйган камчиликларини иккинчи марта такрорламасликни уқтирганлар.

Ота-оналар ўз фарзандларига бўлган муҳаббат ва хайриҳохликларини амалий равища кўрсатишга харакат қилганлар. Уларнинг фикрича, бола бир ярамас ишни билмасдан қилган бўлса, кечириш керак, билиб қилган бўлса, насиҳат килиб, қилган ишининг ёмонлигини тушунтириш, агар у яна ёмон иш килса, жазо бериш керак. Аммо уни ярамас сўзлар билан сўкиб, хакорат қилмаслик лозим, бу уни ёмон сўзларга ўргатади.

Ярамас иш қилган боланинг айбини ўзидан эшитмокчи бўлиб: “Тўғрисини айт, онт ич, айтмасанг калтаклайман”,-деб қўркитмаслик керак. Агар шундай килинса, бола қўрканидан ёлгон онт ичшга айбни яширишга ёлгнончиликка одатланиб колади. Шу сабабли, ўтмишда ота боболар, оналар айрим холларда эртаклардан ифодаланган воеа, қахрамонлар мисолида болаларга насиҳат қилганлар: -Бахорнинг гўзал куни эди, хавони булут ўраб олди, ёмғир ёғди. Кейин яна қуёш чиқди, хамма ёк гўзаллашди. Бир кичик сичкон ёмғирдан кейин ўйнамок учун инидан чиқмокчи бўлди, онаси унга:

-Болам, ҳозир инимиздан чиқма, мушук бизнинг чиқишимизни пойлаб турибди, агар чиқсан дарров тутиб еб қўяди,-деди.

Боласи онасининг сўзини тингламади, инидан чиқсан замониёқ, пойлаб турган мушук уни еб қўяди. Мана, азиз болаларим бу хикоямдан ота-онага итоат қилмасликнинг зарарина билдингиз. Энди менинг икки оғиз насиҳатим эсингиздан чиқмасин:

1. Хар она ўз боласини севади, доимо унинг яхши бола бўлишини истайди, унга хар вакт гўзал насиҳат килади.

2. Болалар хам ота-оналарининг сўзларини тинглашлари, насиҳатларини кулокларига олишлари керак. Боболаримиз бола тарбиясида ота-оналар олдига шундай талаблар кўйганлар:

Ота-она болага устоздир. Улар:

-болани ярамас ишлардан саклаб яхши ишларга кизиктиришлари, унинг ёнида ёмон киликлардан сакланишлари, одоб, тарбияга, зид сўзларни гапирмасликлари лозим,

-болани хеч кимга ёмонлик килмасликка, кўлдан келганча яхшилик килишга кўнигириш, унинг кўнглига шавкат, марҳамат туйғуларини солишга гайрат килиши керак,

-болани яхши тўғри йўлга йўналтириб, ўzlари хам шу йўлдан кетишлари лозим. Ота-онанинг одоб, тарбия, эканлиги хар бир хатти-харакатидан кўриниб турсин, болаларга намуна бўлсин,

-яхши деб билган ишни ишлаб кўрсатиш ва у ишнинг яхшилигига болани ишонтириш керак,

-бала тарбия қиласиган ота-онанинг ўзи тўғри сўзли бўлиши, мухабbat асарини кўрсатиб, хар бир вакт унга хайриҳо булганини билдириши лозим.

-яхши тарбияланиб турган болани ўз даражасига лойик мукофотлаш ва унинг аксинча, бўлганларга ислоҳ киларлик равишда жазолаш тарбиянинг негизидир. Мукофот учун ширин сўзлар билан уларни макташ, севган нарсаларига эриштириш бирга ўтириб сухбатлашиш керак. Бола ота-онасининг юзида норозилик аломатларини кўриб унинг жазо эканини билсин. Мукофот ёки жазо болаларнинг савияси даражасида бўлсин. -бала болалигини килмасдан кўймайди, катта-кичик бўлмагур ишларни килиб кўяди. Унинг бу камчиликларини бира-тўла битириш мумкин эмас, вакти-вакти билан секин аста тузатиш хар бир ишда сабрли бўлиш лозим. Болалар ёнида хар вакт одиллик билан устозларча иш олиб бориш, тарбиянинг энг мухим негизидир.

Боболаримиз бола хакки –улуг халкларнинг улуғи бўлиб, бунга ота—она ва мураббийлар масъулдир, дейдилар: Шунинг учун бу хакларини билиш ва керакли пайтда адо этиш, ота-она ва мураббийлар учун лозимдир. Бола ёшлик вактида хар хил тарбияга кобил бўлгани учун бу вакт улуг ганиматдир. Шунга кўра, уни ёшлик-болалик вактидан бошлаб, тарбия килиш керакдир. Агар болага гўзал тарбия берилса, у баҳтли саодатли бўлади, хар бир яхши ишлари билан ота-она ва мураббийларини шодлантиради.

Болаларни гўзал тарбияли этиш учун, ота-онанинг ўzlари ахлокли тарбияли бўлишлари шартдир. Болаларга берган тарбияларига ўzlари амал килмасалар, хулк – атвоворларини тузатмасалар, болаларига умирлари бўйича тарбия бермасалар фойдаси бўлмайди. Ота-она болаларини тўғри сўзлаш тўғри ишлашга ўргатиб тарбия этса, болалари тўғри сўзлаш ва тўғри ишлашга одатланадилар. Ёмон тарбия болаларни баҳтсиз килади.

Болаларнинг бузик сўзларни эшишиб кулиб туриши, ярамас ишларини олкишлаш, уларни орсизлик ахлоксизликка одатлантиришдир. Назорат остида болаларга гўзал ўйинлар ўргатиш уларнинг зехнларини очади.

Болаларни фойдали ўйиндан ажратмаслик керак. Болаларни уларнинг табиатларига мос бўлган кўнгиллари истаган ўйинлардан айириш истедод –кобилиятларнинг ривожига таъсир кўрсатади. Зоро, ўйинларни ман этиш натижасида болалар асабий ўzlарини тута олмайдиган ва мухокамасиз бўлиб этишадилар. Бир донишманд: “Ота-она ва мураббийларнинг болаларини заарсиз ўйинлардан хам маҳрум этишлари уларнинг марҳаматсиз иттифоксиз ва кишиларга ёкимсиз бўлишларига сабабчи бўлади” - деб айтади.

Ўтмишда ишонч хосил килиш усули ноўрин харакат килган, килган ишида адолатли бўлмаган, болаларга нисбатан кўлланган. Ишонтириш усулида боладан йўл кўйган хатосига икрор бўлиш талаб этилган, талаб “нима учун килдинг?”, “нега бу ишни килдинг?” “Ким сенга бу ишни килгин деди?” саволларига жавоб олиш тарзida бўлган.

Бола тарбиясида ўғил болаларга караганда киз болларга кўпроқ эътибор бериш лозим. Чунки қиз бола вояга етгач бошқа хонадонга келин бўлиб тушади. Агар у уй ишларини билмаса оиласа раҳбарлик қила олмайди. Йўл йўриқ кўрсатиш, тушунтириш усули кичик ёшдаги болаларни тарбиялашда мухим ахамият касб этади. Чунки, бу ёшдаги бола ота-онадан катталардан ахлок коидалари хакида биринчи бор сабок олади, коидаларни доимо

хотирада саклаб тура олмайди, ўз хаётида унга изчилиқда амал килмайди. Кичик ёшдаги болаларда бу хусусиятнинг бўлиши табий холдир. Шу сабабли хам ўтмишда халки кўллаган тушунтириш усули анъана сифатида хозирги вактда хам ижодий тарзда давом этилмоқда.

Ўтмишда хозирги даврда хам ахлок тарбияси ота-онанинг, катта ёшдагиларнинг ўз яхши фазилатлари, хулк атворлари билан болаларга ёшларга намуна бўлишлари шарт. Шу сабабли хам халк ижодининг макол ва ибораларида намуна бўлишнинг ахамияти кенг ифодаланган. Ота-она ва катталарга иззат хурмат кўрсатиш олжишлаш таксинга созовор ишдир. Ота-онанинг розилигини олишга диққат ва файрат қилмок лозим. Ёши анчагина соқол мўйлаблари чиқкан ўғил хам отаси хузурига чиққанда кўл қовиштириб салом бериши кундалик қарзидир. Фарзандларнинг гўзал одобли тарбияли бўлишлари учун энг аввал ота-оналарнинг ўzlари гўзал хислаттга, яни яхши тарбияга одобга эга бўлишлари шарт. Бир олим фозилнинг: “Гўзал тарбияли ота-онадан тарбияли одобли фарзанд етишади”- деган сўзи жуда тўғри.

Байт. Барча ерда истасанг ўтсин сўзинг,  
Табиат бирла, куроллангил ўзинг.

Она бўлиш –улуг бир неъмат ва назрсиз бир шарафдир. Бола тарбия этиш усули билан ошно бўлиш, хотинлар учун лозим бўлган ишларни билиш гўзал ва хунук хулклардан хабардор бўлиш, хотинларнинг вазифасидир, яна бола тарбияси учун лозим бўлган согликни саклаш билан тарбия илмидан олган маълумотларини ортириш учун гайрат килиш лозимдир.

Болани уриб, каттик кўллик билан эмас, балки мулоимлик билан тарбия этиш керак. Зарар билан фойдани хали ажратолмаган ёш ўсмирни назоратсиз колдириш хатодир.

Ўзбек халки ахлокий тарбияда ўз боласига намунали ва яхши хатти- харакати билан бошкаларга намуна бўладиган уртогини макташ ва ибрат рамзи бўлган кишилар хаётидан айrim лавхаларни оғзаки ижод асарларидағи ижобий қахрамонларнинг ахлокий фазилатларини хикоя килиб бериш усулидан хам фойдаланади.

“Хикоят: Султон исимли бола ўз ўртоги Юсуфжонга:

Юсуфжон, Али аканинг богидаги ёнгокларни кўрдингми? Кандай яхши ширин ёнгоклар. Юршу ёнгокларни чунтагимизни тулдириб олайлик, - деди. Юсуфжон унга:

- Йук булмайди, - деб жавоб берди.

-Нега сен ёнгокни ёмон кўрасанми? Мен билан, сен ёнгокни яхши кўрасан, нима учун бўлмайди дейсан?

- У ёнгоклар Али аканинг ёнгоклари, эгасидан сўрамасдан олиш яхши эмас, шунинг учун кабул этмайман.

-Ўрток, йўқ дема, бизни хеч ким кўрмайди. Мен дарахтга чикиб ёнгок кокаман сен териб оласан, кел, йўқ дема.

- Йўқ дедим-ку, бўлмайди.

-Бугун сенга нима бўлди. Факат “йўқ бўлмайди” деган сўзни кайтариб турасан, бунинг сабабини сўзла.

-Сабабини сўзладим-ку, ёнгоклар бизники эмас, ўгрилик килмайман.

-Ўгрилик дейсанми? Кизик бола экансан. Хеч ким кўрмагандан кейин ўгрилиги нимаси?

- Хеч ким кўрмаса кўрмасин, лекин виждонимиз кўриб туради, у бизни ёмон ишлардан кайтаради, шунинг учун сенинг таклифингни кабул килмайман”.

“Севимли ўгилларим, - дейди ота - доимо ёмон ишлардан сакланинг, бирор сизни ёмонлик килишга таклиф этса, Юсуфжондек “йўқ бўлмайди” деб жавоб беринг”.

Боболаримиз болалар билан сухбатлар ўтказиб, уларнинг хар бир инсон шарафи, обрўси яхши хулки билан ортишининг, ёмон хулк билан камайишини билиб олишларига алохида этибор бериб, яхши ва ёмон хулкнинг маъносини тушунтириб, насиҳат килиб деганлар: ”Азиз болаларим ,бу сўзлар буюк бир хакикат, доимо ёдимизда бўлсин. Доимо ёмон хулкларимизни йўкотишга, унинг ўрнига яхши хулкка эга бўлишга гайрат килайлик. Келининг, хаммамиз биргаликда яхши ва ёмон хулкларнинг баъзиларини бу сухбатимизда текшириб ўтайлик.

Ёмон хулклардан бири такаббурлик ва гуурдир. Хар ким ўзини севади ва ўзининг камситилишини истамайди. Такаббурлик, магурурлик, манманлик эса бошкаларни менсимай ўзини хаммадан юкори килиб кўрсатишдир. Магурур ва такаббур одамлар тез орада хамма дўстларини йўкка чикарадилар. Олимлардан бири шундай деган:

-Магурур, манманликка муккасидан кетган одам тинчилик билан эрталаб нонушта килади, зўрга- зўрга тушки овкатни ейди, хижолатлар ичиде кечки овкатни ейишга киришади.

**Бунинг маъноси шудир:**

Магурур ва такаббур, одам олдин бой бўлса хам, кейинчалик жуда муҳтожликка тушиб қолади. Чунки гуур, такаббурлик инсонни доимо исрофга чакиради. Магурур одамлар ўзларини хаммадан юкори кўрсатиш учун илм, меҳнатдан кочадилар. Шу сабабли, зарурат ва муҳтожлик бош кўрсатади. Муҳтожлик ва зарурат билан баробар уялиш ва хижолат чекиш келади. Хар нарса етарли бўлиб, роҳатда яшаган бироннинг кўнглини магурур ва такаббур одам муҳтожликка тушган вактида хеч кимдан ёрдам ва яхши муомула кўрмайди. Хатто бир вакт ундан кўнгли колган одам томонидан яхши муомила кўрса, жуда хам хижолат чекади.

Ёмон хулклардан яна биттаси маҳтончокликдир. Масалан: бир бола хеч бир расм тушуришни билмаса хам: "Мен фалон рассом каби расм чизаман, мен чизган расмни унча мунча рассом чиза олмайди"- деб ўзини мактаса, у болага маҳтончок бола дейилади. Сўзнинг холосасини айтганда, бир одам ўзида бўлмаган сифатлар билан мактанса, у одамни "мақтончок" деб чакирадилар. Одам ўз обрусини маъносиз сўзлар билан ортира олмайди. Мақтончоклар ўзларини кулгига колдирадилар, халк кошида беобрў бўладилар, маҳточоклик ахмокликнинг далилидир.

Тавозе-ўзини камтар тутишликдир. Такаббурлик, гуур, маҳтончоклик ёмон хулк бўлгани каби, товозе хаммага мақбул бир хулк фазилатдир. Товозе манманлик ва маҳтончокликнинг аксидир. Тавозели одам ўзида бўлган авзалликни асло тилга олмайди, ўзини камтар тутади      Донишмандлардан бири тавозе хакида шу гўзал сўзни айтади:

-Афзаллик, ортикликни юкорилаштирадиган ва уни яна хам порлок кўрсатадиган товозедир. Инсонда бирор афзаллик бўлса, уни хар ким кўради, Афзаллик ўз- ўзини кўрсатувчи бир нур кабидир. Тавозе унинг атрофидаги додларни кетказадиган тозалайдиган бир фазилатдир".

Ота оналар ўз болалари хакида бошкалардан салбий фикр эшитмаслик, болаларида гўзал ахлокли одамларга нисбатан хавас, уларга ўхашашга интилиш туйгусини тарбиялаш ва ўстиришга, уларнинг одоб- адаб сўзларининг маъносини англаб олишларига харакат килганлар .

### **Назорат топшириклари.**

3. Утмишда ота-боболаримиз тарбияда кандай усуслардан фойдаланган?
  - А) Насихат, тушунтириш, рагбатлантириш.
  - Б) Макташ, наъмуна курсатиш, танбех бериш.
  - В) Таъкиклаш, мажбур килиш, куркитиши.
  - Д) Барча жавоблар тугри.
4. Кандай усуслар кичик ёшдаги болаларни тарбиялашда мухим ахамиятга эга?
  - А) Йул- йурик курсатиш,
  - Б) Тушинтириш ,
  - В) Жазолаш,
  - Г) А ва Б жавоблар тугри.

2-асосий савол буйича укитувчининг мақсади: Талабаларанинг мактабда укитиладиган фанларда урф-одатлар халк оғзаки ижодининг ахамияти тугрисидаги билим, тушунча, малакаларни шакллантириш.

### **Идентив ўқув максадлари:**

- 4.1 Мактабда укитиладиган фанларда урф-одатларнинг ахамиятини айтадилар.
- 4.2 Халк оғзаки ижодиниг ахамиятини тушинтирадилар.

**2-асосий саволнинг баёни:** Маълумки, одоб хар бир ахвол ва одатда акл буюрган равища харакат килиш, яни ярамас ишдан, ёмон сўздан нафсини тийиш, ўзининг хам бошқаларнинг хам иззатларини саклаб, обрўсими тўймаслиқдир. Адаб инсон камолотининг бирламчи омилларидан саналади. Баданимизнинг кувватланиши учун ейиш, ичишга мухтож бўлганимиз каби, инсоннинг акли хам одобга мухтождир. Одобли бўлмаган акл эгаси курол аслахасиз баходирга ўҳшайдики, у хеч бир иш кила олмайди, аксинча душманларга маглуб бўлади. Одоб зийнати билан зийнатланмаган одам, душманларини севинтиради, дўстларини эса кайгулантиради. Ота -оналар сузининг маъносини тушунтиришда болаларини мажлис одоби, тил одоби, дўстлик одоби, кийим кийиш одоби, чой ичиш, овкатланиш одоби, мулоқот одоби хакида, таълим берганлар:

“Мажлисда бирор одам гапираётган вактда унинг сузини яхшилаб тингланг, нуткни бузманг, сабабсиз кулманг. Мажлисда айтиш мумкин бўлмаган сўзларни сўзламанг, мажлисда бўлғанларнинг хурматини бажо келтиринг.

Ўзингиздан катта ёшли одамлар ўзаро сўзлашиб турган бўлсалар, уларнинг сўзларига аралашманг, сиздан бирор нарса сўраган вакларида очик ва мулоим товуш билан жавоб беринг, бир сўзни кўп марта кайтарманг”.

Ота боболаримиз “Оғзингдан чиккан сўзни кулогинг эшитсин”,- деб жуда тўгри сўзлаганлар. Нима тўгрисида сўзлашни истасанг аввал яхши тушуниб, ўйлаб, кейин сўзла. Тил - киличдан ўткир, киличдан еган яра тузалади, аммо тил яраси тузалмайди. Шунинг учун тилни ярамас сўзларни сўзлашдан саклаш керак.

Одамниг шодлик ва кайгули вактларида таянчи шухбасиз унинг дўстларидир. Шунинг учун ёш ва бош жихатдан ўзингизга мос келадиган кишиларни танлаб дўстлашинг.

Самимий дўст бўлингиз. Азиз болаларим хар бир билган кўрган ва ўрганган нарсамизни бошка кишига сўзлашга хакли эмасмиз, бир кишининг айбини камчилигини кўрсак ёки эшитсак уни ошкор килишга хаккимиз йўқдир. Ўз айб ва камчилигимизнинг ошкор бўлиб, одамлар оғзида сўзланиб юришини албатта истамаймиз. Шундай экан ўзимиз истамаган нарсани бошқалар учун рано кўрсак яхшимиз?

Дўстларимиздан ёки таниш билишларимиздан биттаси ўз сирини бизга сўзлаган бўлса уни саклаб оғзимиздан хеч бир чикармаслик ва хеч кимга билдиринаслек бурчимиздир. Бир инсон ўз кайгу аламини, огир холда колганини ёки хато килганини ўз дўстига сўзлай олади. Унинг бундай мақсади кайгусини бироз кетказиш, дўстининг ширин сўзлари билан ўзини овитиш эди. Дўсти унинг сўзларини хаммага ёйиб юборса у вактда дўстликнинг кандай киммати колади?. Чин, самимий дўст, дўстнинг кайгусига кайгуланади, шодлигиша шодланади, дўстининг кўнглини кўтаради. Дўстимизнинг шодлиги ўз- шодлигимиз кайгуси бўлиши керак, унинг сирларини хаммага ёйсак, ёнимизда битта хам дўстимиз колмайди.

Болаларим, бир бирингиз билан чин самимий дўст бўлинг, уришманг, талашманг, бир - бирингизни сирингизни сакланг, хар кимга айтиб юрманг. Бир донишманднинг, “хар ким тилини тийса”, тинч роҳатда яшайди, валдир-вассар булса, сир саклай олмаса, фалокатга тушади”- деган сузни унитманг. унда хам этибор ва диккат билан кийим кийишга урининг, кийинишдан максад - иссик ва совукдан сакланиш ва одам кўзига яхши кўринишидир.

Тоза, тиник сув ичишга одатланиг, муз ва кор сувларини ичишдан сакланинг. Хар ким билан гўзал муомилада бўлиб, тинч ва тотувлик билан яшанг. Инсон факат жисимдангина иборат бўлмасдан балки хаёт фикирига хам эгадир шунинг учун фикр тарбияси хамма учун хам лозимдир.

Ота- боболар килган бу ўйтларга амал килган болалар одобли бўлиб, камол топганлар. Гўзал фазилатларга эга бўлган бола ота-онага, дўстларига умуман хаммага муруватли бўлади, ахлок ва покликка риоя килади. Ўтмиш донишмандлари “инсоннинг биринчи фазилати, бошқаларнинг хукукига шараф ному ва орзуларига хурмат ва риоя этишдир”, деб ўқитилганлар.

Донишмандлар айтган хикматларга амал килган ота-боболар болаларга мурожат этиб дейдиларки: “Азиз болалар, ота-онангизни хурмат килинг. Ота-онангизни хурмат килишингиз улар сизнинг кошингизда доим мухтарам эканликларидан далолат беради. Ота-онангизга

факат ёшлари сизлардан катта бўлганлари учунгина эмас, балки чаколоклик вактингиздан то йигитлик вактингизгача сизларни тарбиялаб, мактабга юборгандар ва хар нарсангизга диккат фидо этганлари учун хурмат килишга мажбурсиз. Умрингизнинг хар куни хар соатида сизларги килган хизматларини эсингизга туширинг. Ота-онага хурмат бутун умрингиз бўйича энг баҳтили, шодлик ёки кайгулик вактларингизда хам давом этиши лозим, уларга очик юз ширин сўз мулойимлик билан сўзланг, сизларга килган яхшилик ва фидокорликларини асло унитманг. Баъзи вакт карилек уларнинг кайфиятларини бузади, шундай вактларда уларни овитинг қўнглини кўтаринг. Уларнинг буюрган хизматларини бўйин товламай адо этинг”.

Ислом дини таълимоти бўйича .”Қурон”дан

кейин турадиган иккинчи муқаддас китоби хисобланган “Хадис”да ва Исломий Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрәт”(Адаб дурдоналари) хадисида ота онани рози килиш хаккини адо этиш севги дўстлик насила мерос бўлиб ўтиши раҳм-шавкатли бўлиш, қўшнини якин тутиб ундан яхшиликни аямаслик етимпарварлик шу билан бир каторда, разолат кибр-хаво хиёнат каби иллатлар кораланади.

Ўтмишда рагбатлантириш усили бола, ёшлар килган ишини хулк авторини макуллаш мақташ табриклиш шаклида қўлланилган.

Боланиг яхши хатти харакатини хулкини макуллаш, унга ижобий таъсир этади, унда келгусида яна гўзал ишлар килишга ўз қобилияти ва бажарган яхши ишларидан фахирланиш туйгусини ўстиришга хизмат килади.

Тақдирлаш усули боланинг қилган ишидан мамнунлик фойдаси бўлган . Баракалла, раҳмат болам омон бўл дейиши, ёқимли кулиш, бошини силаш, пешонасидан ўпиш шаклида амалга оширилади.

Танбех усули кичик ёшдаги болаларга нисбатан ўртоклари билан қўпол муомилада бўлган топширикларни бажармаган ёки ёмон бажарган қиз болани ноўрин ранжитган ўғил болага нисбатан қўлланилди.

Бола ноўрин қилган хатти-харакатини тезкор такрорлагандаги ёки ўзига топширилган ишни бажармагандаги огохлантириш усулидан фойдаланилади. Ризосизлик усули жазоланишнинг юқори босқичи хисобланган, ризосизлик бола рухиятига кучли таъсир этган унда руҳий тушкунлик юз берган. Шу сабабли бу усул халқ педагогиккасида кам қўлланилган. Ота ва она айниқса она ўғли ёки қизи томонидан ёмон хати харакат содир бўлганда ризосизлик билдирилган.

Ўзбек халқ педагогиккасида ман этиш буйруқ бериш усуллари уятли иборалар айтган, сўқинган гиёхвандлик, қимор ўйнаш каби инсон шаънига дод тушурувчи ишларга берилган ўсмирларга нисбатан қўлланилган.

Халқ педагогиккасида кенг ўрин олган синаш усули боланинг одамлар ва ўртоқлари билан мулоқатда, жамоат ўртасида меҳнат муносабатларида ахлок қоидаларига риоя этишни кузатишда қўлланилган, бу хақида мақоллар хам ижод этилган.

Кечириш ва олий хикматлилик усули болалар фаолиятида камчилик содир бўлганда қўлланган. Ота-она ва муаллим бундай вактда уларнинг камчиликларини кечиргани бундай ишларга йўл қўймаслик учун ёрдам беришни ўзларини вазифалари деб билганлар. Дарҳақиқат кечириш олийжаноблик яхши хулқли ота она ва устозларга муносиб бир сифатдир. “Кичиклардан адашиш, катталардан кечириш”,- деб тўгри айтилган.

### **Таълимда халқ педагогиккасидан фойдаланиш.**

Мактаб таълимида ўкувчилар ўзбек халқ педагогикаси анъаналари хақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Бунга табиийки мактабда барча фанларни ўрганишда халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланиш оркали эришилади. Фанларни ўқитишда уларнинг мазмуни хусусияти вазифаси хисобга олган холда ахлок, нафосат, байнамилаллик, инсонпарварлик, ватанпарварликка доир инсон ва ўсимлик ва хайронот олами хақидаги анъаналардан фойдаланилади.

Мактабда ўқитиладиган айрим

фанлар мазмунида халқ анъаналари урф одатлари мавжуд. Масалан она тили ва адабиёт фанларин ўқтишда ўрганилаётган мавзу хусусиятларига қараб, халқ оғзаки ижодидин эртак достонларда ёзувчиларнинг асарларида акс эттирилган халқ урф одатлари анъаналари устида сўз боради. Уларда тасвирланган лавхалар мазмуни сўзлатилади. Ўқувчилар ўзлари билган

эшитган урф одатларни айтиб берадилар.

Тиббиёт зоология дарсларида ўсимлиқ, хайвонот оламига, инсон хаётига доир урф - одат анъаналардан фойдаланилади. Тарих фанини ўқитиша ўқитувчи ўзбек халқининг хар бир ижтимоий тузим давридаги маданияти санъати хақида маълумот берар экан, уларни ўқувчиларнинг пухта ўзлаштириб, олишлари учун мактаб музеида тўплланган адабиётлар таъсвирий саънат меъморчилик, кулолчилик, хаттотлик каби санъат наъмуналарини ёдгорликларни намойиш этади. Уларда ўзбек халқига мос санаткорликнинг қадимийлигини хикоя қиласди. Мехнат дарсида ўқитувчи мехнат гўзаллиги инсон ясаган хар бир яхши буюм нарсада акс этиши хақида сўзлаб, тикилган энг яхши кўйлак, дастрўмол ясалган курсини кўрсатиб, уларда инсон мехнатининг гўзаллиги намоён эканлагини айтиб ўқувчиларда гўзаллик яратиш туйгусини тарбиялайди.

Мусиқа ва қўшиқ дарсларида магнитафон грамм пластинкаларда ёзилган, қадимги халқ қўшиқлари ўқувчиларга эшиттирилади. Қадимий мусиқа асбоблари, кўрсатилади. Жисмоний тарбия дарсларида, ўқувчилар анъана сифатида давом этаётган халқ ўйинларини ижро этадилар.

### **Назорат топшириклари**

4.1 Ислом дини таълимотида “Куръон” дан кейин турадиган мукаддас китоб кайси жавобда тугри курсатилган?

- А) Имом Исмоил ал- Бухорий “Хадислар”,
- Б) Махмуд Кошгари “Девони лугати турк”,
- В) Юсуф Хос Хожиб “Кутадгу билик”,
- Г) Алишер Навоий “Мухокамат ул лугатайин”.

2.2 Мактабда уқитиладиган айрим фанлар мазмунида халқ анъаналари, урф-одатлари мавжуд. Улар кайси фанлар хисобланади?

- А) Она тили, адабиёт, жисмоний тарбия.
- Б) Тарих, она тили , адабиёт, зоология.
- В) математика, мехнат, она тили
- Д) Тугри жавоб курсатилмаган.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

- 1.”Кобуснома”, Т. “ Уқитувчи”, 1994 й.
2. Халқ педагогикаси-инсон камолотининг асоси. 1-5 китоблар. Т. 1992 й.
3. Хадислар. 1-6- китоблар. Т. 1996 й.
4. Мовлонова. Р ва бошқалар “ Педагогика”
5. Узбек халқ эртаклари. Т. “Уқитувчи”, 1988й.

### **5—мавзу: Халқ педагогикасида мехнат тарбияси. машғулотнинг технологик харитаси**

Т\r босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1-босқич	<b>Дарс мақсади:</b> Узбек халқининг асрлар давомида мехнатга ва мехнат тарбиясига булган муносабатини ва ёш авлодни хаётга, мехнатга, касб-	<b>Ўқитувчи</b>

	<p>хунар эгалашга булган муносабатларини етказиб, унинг мазмунни ва мохиятини талабаларга тушинтириш.</p> <p><b>Идентив мақсадлар:</b></p> <p>2.1 Узбек халкининг асрлар давомида меҳнатга булган муносабати ҳакида гапирадилар.</p> <p>2.2 Ҳалкимиз куллаган усул ва воситаларни бир-бирига солиштирадилар.</p>	
2-босқич	<p><b>Асосий тушунчалар:</b> Мехнат, ҳалк педагогикаси, инсон, меҳнат тарбияси, меҳнатсеварлик, ота-она, ахлоқий тарбия, урф-одат, одоб ва х.к.</p> <p><b>Дарс шакли:</b> гурӯҳда ишлаш.</p> <p><b>Воситалар:</b> проект, компьютер.</p> <p><b>Метод ва усуллар:</b> амалий машғулот, кўрсатиш, тушунтириш.</p>	Ўқитувчи
3-босқич	<p><b>Гурӯҳда ишлаш.</b></p> <p>1. Ҳалк педагогикасида меҳнат тарбиясининг урни ва вазифаси.</p> <p>2. Утмишда ҳалкимизнинг маънавий ахлоқий маданиятига булган муносабати.</p>	Талаба
4-босқич	<p><b>Мустаҳкамлаш ва боҳолаш учун саволлар:</b></p> <p><b>Назорат топшириклари.</b></p> <p>1.1. Дараҳт япроги билан куркам, одам ..... билан.</p> <p>А) Ахлоқи билан</p> <p>Б) Мехнати билан</p> <p>В) Хурмати билан</p> <p>Г) яхшилиги билан</p> <p>1.1. Болаларда меҳнат килиш зарурлигига ишонч хосил килишда, уларни меҳнатга рухан тайёрлашда кимлар купрок уз хиссасини күшган?</p> <p>А) Оналар</p> <p>Б) Амакилар</p> <p>В) Ота-оналар</p> <p>Г) Ота-боболар</p>	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<p><b>Умумий якуний хуносалар чиқариш:</b> Мақсадга эришилди. Вазифалар бажарилди.</p> <p>Мустақил иш топшириклари қилиб, талабаларга</p>	Ўқитувчи

### Асосий саволлар.

1. Ҳалк педагогикасида меҳнат тарбиясининг урни ва вазифаси.
2. Утмишда ҳалкимизнинг маънавий ахлоқий маданиятига булган муносабати.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Мехнат, ҳалк педагогикаси, инсон, меҳнат тарбияси, меҳнатсеварлик, ота-она, ахлоқий тарбия, урф-одат, одоб ва х.к.

**1-асосий масала буйича ўқитувчининг мақсади:** Узбек халкининг асрлар давомида меҳнатга ва меҳнат тарбиясига булган муносабатини ва ёш авлодни хаётга, меҳнатга, касб-хунар эгалашга булган муносабатларини етказиб, унинг мазмунни ва мохиятини талабаларга тушинтириш.

### **Идентив ўқув максадлари.**

- 1.1 Узбек халкининг асрлар давомида меҳнатга булган муносабати хақида гапирадилар.
- 1.2 Халқимиз куллаган усул ва воситаларни бир-бирига солиштирадилар.

**1-асосий саволнинг баёни** Ўзбек халқи асрлар давомида ёш авлодни мустақил хаётга тарбиялашга алоҳида этибор беради. У ўз хаётида турмуш кечириш учун ишлаб чикариш воситаларини яратиш зарурлигини турмушда ўз талабини қодириш учун меҳнат килиш кераклигини англади.Меҳнатнинг моҳиятини шу маънода англаш қадимги жамиятга хос асосий хусусият бўлади, Давр ўтиши ижтимоий сиёсий хаётга ўзгаришлар натижасида ақлий меҳнат тарбияси жисмоний меҳнат тарбиясидан ажralади. Натижада меҳнат ва меҳнат тарбиясига муносабат хам ўзгаради, болаларни турли жисмоний меҳнатга тарбиялаш биринчи ўринга қўйилди.

Инсон ва жамиятнинг яшashi барқарорлиги учун меҳнат қилиш меҳнатни севиш – киши камолотининг меъери бўлади, бу гоя халқ яратган «Меҳнат фарогат чироги», «Иш инсоннинг гавхари», «Дараҳт япроги билан кўркам, Одам меҳнати билан», «Одамни меҳнат безайди»,» «Меҳнат хурматнинг тожи», «Ер хазина, меҳнат калити», «Йигит хусни меҳнатда», каби мақолларда ўз ифодасини топди.

Меҳнат инсонни уч балодан: юрак сиқилиши, ахлоқий бузулишдан, муҳтоҷлиқдан сақлайди. меҳнат қилмаанларга меҳнатни севмаганларга бошқалар меҳнатини татимоқчи бўлғанларга салбий муносабатларни: «Бекорчидан худо безор», «Текинхўрга шавқат йўқ», . «Баҳт ялқовга бегона», каби мақолларидан,. Ялқов, ишёқмаслар икки фарзанд орттирадилар :зорлик , бадбаҳтлик,. меҳнатни севмаган ялқов киши хар турли ноқобил ишлардан тортинмайди, каби хикматларда ифодалайди.

Халқ меҳнат хақидаги ўй фикирларни, меҳнатсеварлик фазилатларини ижод этган қўшиқларида хам ифодалайди. Буни биз Махму Кошгариининг «Девони Лугати турк», асарида келтирилган қўшиқлар наъмунасида кўрамиз. Бу асарда меҳнат қўшиқларида ибтидоий жамоа аъзоларининг овчилик, чорвачилик, бодорчилик ва дехқончилик хаёти меҳнат жараёни, жамоадаги анъаналар, қабила аъзоларининг биргалиқдаги меҳнати акс эттирилган, Масалан ов хақидаги қўшиқларда қадимги кишиларнинг овчилик санъати ов меҳнатига бўлган мухаббати шундай тасвирланади

Чагри бериб қушлатур  
Тайгон изиб тишлатур  
Тилки тўнгиз тошлатур  
Ардам била ўқладим.

Мазмуни: (йигитларга) чарги ( ов куши) бериб қуш овлайлик, ов итини (қушларнинг изидан солиб тишламайлик, тулки тўнгизни билан урайлик ютуқларимиз билан мақтанайлик.,,

Хар бир одам факат ўзи учун эмас, балки келгуси авлод учун яшashi керак халқнинг халол меҳнат хақидаги бу гоялари харакатинг «Эрта бўлса, кузда эрта ўрасан», «Меҳнатнинг халол қилсанг хузурини кўрасан», каби макол ва мушқуллардан хаёт эмас факат тадбир ва меҳнат ўтказади. Баҳтли бўлиш учун, меҳнатни севиш ва роҳатни меҳнатда кўришдир сингари хикматларда ифодаланган.

Халқнинг  
меҳнатсеварлиги, ёшларни тарбиялаш ва ўстиришда уларда меҳнатга қизиқиш, туйгусини тарбиялашдан оталар изидан бориб, турли касб эгалари бўлиб етушувларида, дехқончилик, чўпончилик, дурадгорлик, бодорчилик каби касбларнинг бўлишлари мухим ахамият касб этади. Касб эгалари бўлган оталар, ўз фарзандларини амалий меҳнатга тайёрлашни уларга меҳнат малакасини ва турли хил ишларни бажариш қобилиятини шакиллантириш ва камол топтиришда уларни мустақил хаётга тайёрлашни ўзларининг оталик бурчлари деб билганлар. Улар меҳнат тарбияси жараёнида хаёт кечириш учун меҳнат қилиш зарурлигини ёшлигидан болаларга уқтирганлар, болалари билан ўтказилган сухбат ва мулокатларда меҳнат мавзуи биринчи ўринда турган. Боболаримиз. «Меҳнат» гайрат фазилатининг қўриқчисидир, деганлар чиндан хам шундай. Номус фазилат ва улуглик кўз қорачиги каби қимматли хазинадир. Бу хазина фақат матогнат соясида қўлга киритилади. Хамма одамлар, хайвонлар, паррандалар доимо гайрат ва харакат қиласидилар тек турмайдилар.

Дунёда бутун хаёт харакат туфайли барқарор бўлади.

Хикоят: бир бадавлат кишини ишёқмас, ялков ўгли бор эди. Бу бола шундай деб ўйлар эди.

-Менга

гайрат қилмоқ нимага керак. Отам менга мерос этиб, жуда кўп пул мол мулк қолдиради, отам тирик вақтида ишламасдан ўйнаб кулиб мазза қилиб, юраверсам бўлмайдими. Мен гайрат қилмасам хам роҳатда яшай оламан.

Лекин бу бола

алданганди, чунки ота онаси вафот этганларидан кейин улардан мерос бўлиб қолган бойликни сақлашга уқуви йўқ эди. Шу сабабли хеч ишламай, кайфи сафо қилиб, юраверди ишдан бўйин товлади. Кўп вақт утмай ота-онадан қолган бойликни тамом битиради. Неча кунлар оч нохор қолди.

Унитманг, болаларим

ялковлик, гайратсизлик натижаси шундай бўлади.

Халқ турли хил ишни

муваффақиятли бажариш учун факат меҳнат қилиш, малакасини эгаллаш кифоя қилмаслигини хам билган, шунинг учун хам ҳар бир боланинг меҳнатга чин қўнгил билан муносабатда бўлишига топшириқларни сифатли бажаришига меҳнатда қатъиятли ва сабри бўлишига, бу хусусиятларни эгаллаш болалар учун асосий қонун бўлиб қолишига, этибор берган, бу хусусиятлар моҳиятини болалар онгига сингдиришда оталар ўзлари ижод этган.

Сени иш енгмасин

Сен ишни енг

Ёшлиқда ўрган хунар

Ўзинга ўлжага қолар

Қунт билан ўрган хунар

Хунардан ризқинг унар.

Сендан харакат мендан баракаат.

Каби мақолларни ижод этганлар, шу билан бирга улар ...интилиш ва амал инсонга файз камол бахш этади, улуг даражага етазкади. Хар бир иш гайрат ва жасоратсиз бўлмайди аммо жуда ишлатилмаган гайрат ва жасоратдан маъно йўқ., каби хикматлардан фойдаланилган.

Меҳнат жараёнида болаларда эҳтиёткорлик одати хам тарбияланади. Маълумки, меҳнат ахли меҳнат билан топилган бойликни исроф қилмайди, тежамкор бўлади, халқимиз айниқса нонни эъзозлаган, хатто нон ушогини ерда ётишини увол хисоблаб, уни бирор пана жойга олиб қўймасликни гуноҳ деб билган, нонни пешонасига суртиб, касам ичган, бу хакида «Нон хам нон, увоги хам нон», «Қўйнида нони борнинг қорни тўқ», «Тежоглик рўзгор, бежоглик қўгиричоқ « га ўхшаш мақоллар яратилган. Ўтмишда тежамкорлик тушунчаси билан, урф-одатлар узвий бирликни ташкил этган. Халқ нонга ва уни бунёд этувчи меҳнат ахлига нисбатан алоҳида ахамият берилган. Халқ педагогикасида меҳнат интизоми тарбиясига хам ахамият берилган. Шахсий айниқса, жамоат ишини ўз вақтида ситқи дилдан адо этиш меҳнат интизомининг асоси бўлган.

Меҳнат тарбиясида мустақиллик ва меҳнатга ижодий ёндошиш қўнижмасини ривожлантириш борвасида хунар ўрганишга қизиқиш ўстириш хам мухим масала хисобланган. Меҳнатнинг самарали бўлиши учун ташаббускор бўлиш буйруқ ва қўрсатмани кутмай, ишга жиддий мустақил ёндошиш ва бажариш зарурлиги болага тушунтирилган.

Бола

кўрсатган ташаббусни катталар мақуллашди ота боласидан миннадор бўлди. Халқ педагогикасида болада кўпчилик билан биргаликда ишлаш касбга хавас хиссини тарбиялашга эътибор берилди. Турли касб эгаси бўлган оталар билим ва тажрибаларини болаларига қунт билан ўргатдилар, уларни маълум соҳада ижодкор касбкор киши бўлиб етишишга бунинг учун тортинмай устоздан ўрганишга дават этадилар. Бу ишда билим ва хунарни эгаллаш ташвиқ этилган.

Ота касби-давлат касби

Қунт билан ўрган хунар

Хунардан ризқинг унар

Уста қўрмаган шогирд

Хар мақомга йўргалар

Билимли киши ўзар

Билимсиз      киши тўзар.

Каби халқ мақоллари улар учун асосий восита бўлиб хизмат килди.

Халқ инсоннинг саломатлиги жисмоний бакувват бўлиши ва чиникишда меҳнат мухим омил эканлигини англади, буни ўз тажрибасида кўрди, тарбияда бу тушунчани болалар онгига хам сингдиришга харакат қилади. Бунда у ... Темирни қизигида ур... афаризми,... Темирчининг қўлида темир эриб сув бўлар... мақолига асосланади, дехқончилик чорвачилик хунармандчилик билим ва хунарга доир..  
Кетмон чопдим  
нен тишладим  
Кетмон чопмоқ  
олмоқ солмоқ

Кўш хайдамоқ бормоқ келмоқ  
Уроқ ўрмоқ-ўйнамоқ  
Хай хай ишнинг огири  
Хамир қилмоқ нон ёпмоқ  
Оз-оздан ўрганиб доно бўлур  
Қатрадан кўпайиб дарё бўлур.

Каби халқ мақоллари хикматлари тарбияда қимматли манба бўлади.

Ўзбек халқи асиrlар давомида дехқончилик, бодгорчилик ипакчилик тикувчилик темирчилик касби билан шуҳрат қозониб бормоқда. У шу касбкори билан бола тарбиясида хам алоҳида ўрин тутади.

Маълумки

мусулмон оламида яхши одамлар хаёти давомида кўпроқ савоб ишлар қисам деган ўй орзу билан яшаган. Бу орзуларни бирорвга яхшилик қилиш, ариқ қазиш суув читқариш йўл қуриш нихол экиш йўллари билан оширган. Бу ишларнинг сабаби катта экрандаги одамларинг қон қонига сингиб кетган одат бўлган.

Халқнинг меҳнат ахлига ижобий муносабатда эртакларда хам ўз ифодасини топган, эртакларда яратилган оброзлар ақил жасорат меҳнатсеварлик халлқа ота боболарга садоқатлилик фазилатларига эга бўлган меҳнат ахлининг тимсоли сифатида тасвирланган. ... Эгри ва тўғри..., эртагида тасвирланишича подшо асар қаҳрамони Тўғрибойдан.... Энди сизни қайси шахарга хоким қилай?-деб сўраганда у менга хокимлик керак эмас, ўрмон этагида бюир тог устида ўй солиб берсангиз бас, мен ўз меҳнатим билан қун кўраман- деб жавоб берган.

Ўтмишда оталар бола ёшлиқдан меҳнатга ўргатилмаса унда меҳнатга қизиқиши ўргатилмаса катта бўлганида мустакил хаёт кечира олмайди. Улар болаларни ўшлиқдан турли ишларга жалб қилишда меҳнатнинг фақат моддий жихати эмас балки тарбиявий ахамияти хам хисобга олинганлар. Ота оналар жинсий хиссиётiga қараб болаларга топшириқ беришни меҳнат тарбиясида асосий қоида деб билганлар. Қизлар уй ишларини бошқаришга, ўтил болалар рўзгорда огир ишларни бажаришга ота оналарига кўмаклашган. Болани ёшлигидан меҳнатга кўникутириш зарурлиги хақида ўтмиш заминдош боболаримиз қимматли фикр билдирганлар. Уларнинг фикрича бола тарбиясида ота онаниг энг катта қиладиган ва этиборга оладиган нарсаси у болани ёшлигидан бошлаб бир ишга ўргатиш кикини вақтидаёқ унга бир юмуш бериб ишга одатлантириш. Тили очилиб у юра бошлагандан бирор иш бериш лозим. Унга бериладиган бу иш ахамтиятсиз хатто иш деган номга нолойиқ бўлса хам ундан келадиган фойда зўрдир. Чунки ундан ишлар болада ишни севиш ва ишга берилиш севгисини қўзгатади.

Табийки бу малакалар бирдан хосил бўлмайди аста секин юзага келарди. Лекин замини жуда ёшлиқ пайтидан қўйиши керак. Болада меҳнат малакаси вужудга келса у ота онаси катталарнинг кўрсатиб туришини кутиб ўтирмай ўзи эплаб кетаверади, дунёда яшаш хар кимнинг ўз гайрати ав этиқодига bogliq эканинанг англаиди.

Ишга ўргатиш диққат қилидиган яна бир нарса хар ишни ўз вақтида бажаришдир. Ишга одатланиш қанча мухим бўлса ишни ўз вақтида бажаришдир. Ишга одатланиш анча мухим бўлса ишни ўз вақтида бажариш шу даражада мухим балки ундан хам мухимроқдир. Хар ишни ўз вақтида ишламай кечикитириш кўп ишларнинг йигилиб юзаки сифатсиз ишланишига ёки бутунлай қолиб кетишига сабаб бўллади. Шунинг учун хар бир ишни ўз вақтида гайрат ва матонат билан бажариш лозим.

Ўтмишда болаларни меҳнат топширикларини бажаришга узлуксиз жалб этиб чиниқтириш меҳнат тарбиясида тан олнган мухим қоида бўлди, кўрсатган яхши

ташаббуслари учун болаларни рагбатлантириш уларнинг меҳнатда фаол иштирок этишларида интизомли ва ишга тўгри ва онгли муносабатда бўлишларида, меҳнат жараёнида юз берган қийинчиликларни сабр тоқат, чидам билан енгишларида мухим роль ўйнайди.

Меҳнат тарбиясида болаларда мустақиллик қобилиятини ривожлантиришга катталарнинг раҳбарлик қилиши зарурий қоида хисобланади. Бунда раҳбарлик қилувчи, кишиларнинг ўзлари меҳнат қоидаларига амал қиласидилар ва тарбия усулларини эгаллаб болаларга вазифаларни тўгри тақсимлаб, унинг бажарилишини назорат қилиб, боради.

Халқ педагогикасида болаларни ўз ўзиға хизмат қилишга ўргатиш хам меҳнат тарбияси хисобланади, улар ёшлиқдан ўз ўзларига хизмат қилишга ўргатилади. Катта ёшдаги ўғил ва қизлар ота-оналари билмаган вақтда уйда бажариш лозим бўлган барча ишларни жумладан укаларини тарбиялаш ва парвариш қилиш билан боғлик бўлган ишларни мукстақил адо этадилар.

Ўтмишда меҳнат

тарбиясидан турли усул ва воситаларни қўллаш орқали болалар меҳнатга руҳан ва амалий жихатдан тайёрланган. Халқ бу шларни амалга оширишда восита сифатида ўйин ва маросимлардан, оғзаки ижоднинг меҳнат мавзуидаги асарларида мохирона фойдаланади. Бадий сўз воситасида болалар руҳиятига таъсир кўрсатади. Уларнинг бу тадбири болаларнинг ахлоқий руҳий жихатдан меҳнатга тайёрлашда мухим ахамиятга эга. Масалан, «Зумрад ва Қиммат», эртагини олиб кўрайлик. Эртакнинг асосий қаҳрамони Зумрадни одамлар хам барча мавжудодлар хам севади. Хатто сехиргар кампир хам уни севиб қолади. Чунки, Зумрад кампирнинг ўйини супириб - сидириб ойналарни артиб қўяди. Зумраднинг ишларидан кампир қўквонади ва унга қимматбахо бойлик хадия этиб ўйга кетишига руҳсат беради.

Зумрад ўзиннинг меҳнатсеварлиги, одоблилиги билан бойликка хам эга бўлади отасини хам қувонтиради.

Ўтмишда оталар «Зумрад ва Қиммат», каби эртакларни айтиб бериш орқали болаларда меҳнатга мухаббат туйгусини тарбиялаш, ривожлантирганлар.

Болаларда меҳнат қилиш зарурлигига ишонч хосил

қилишда, уларни меҳнатга руҳан тайёрлашда боболар мақол, топишмоқ ва эртаклар билан бир қаторда, даъват қилиш, ундаш, амалда кўрсатиш усулларини хам қўллаганлар. Ота боболар бу усуллар билан болаларда инсон хаётида меҳнатнинг ўрни, ахамияти хақида тушунгча хосил қилганлар. Куйида боболар айтган насиҳатлардан мисоллар келтирамиз .»Жуда хам яхши кўнгилли олим одам бор экан. Доим яна хам яхшиликка ва юқори маламотга эга бўлиш учун гайрат қилар экан бу олим одам хар куни кечаси ўйкуда ётишдан олдин, бугун қилган ишларин кўз олдидан ўтказиб ўз ўзидан бугун яхши иш қилдимми, янги нарса ўргандимми-деб сўрар экан. Агар фойдали, яхши бир иш қилган бўлса, бугунги куним бекор кетмабди,-деб жуда севинар экан, агар шу куни хеч бир яхшилик қилмагани янги бир нарса ўрганмаганини билса, кўзига ўйку келмас экан. Эртаси куни қўлидан келганча яхшилик қилишга, янги бир нарса ўрганишга гайрат қилар экан.

Болаларим у хикояни сира хам унитмайлик. Биз ўша олим одам каби ҳаракат қилайлик. Биз хам хар куни кечқурун ўтган куниимизнинг хисобини ўз ўзимиздан сўрайлик. Шундай қиссан яхшилик қилишимиз, олган маълумотимиз юксак даражага боради. Одамлар хар қанча маълумотли бўлсалар, хар қанча яхшилик қилсалар ўшанча баҳтиёр бўладилар. Буни унитманг болаларим.

Энди бу иккеи оғиз сўзимни эсда туting.

1.Инсон бир ишга киришидан олдин бу ишнинг оқибатини яхшилаб ўйлаши керак. Ўйламасдан ишга киришган кишилар ишдан фойда кўра олмайдилар.

2.инсон эртага нима иш қилишини кечқурун ўйлаб бирор қарорга келиши, яъни мен эртага аввал шу ишни қиламан, уни тамом қилганимдан кейин яна бир ишга киришаман,-деб хар иш учун бир вақт тайин қилиши керак.

Юқорида

келтирилган хикоядан кўриниб турибдики, унда олимнинг кунда қилган ишини бажариш тартиби, ўз ишига нисбатан талабчанлиги ифодаланган. Хикояни хикоя қилувчи ота болаларни бажарадиган ишлариниг одамлар учун келтирадиган фойдалилигини ўйлаб кўришга олим каби изланувчан чидам билан яхши бажарадиган ишининг ўзи ва бошқаларнинг қувонтирадиган бўлишига этибор беришга даъват этади. Қадим замонда

бир подшо бор эди. Бир уста заргарга менинг бармогимга лойик қимматбахо бир узук ясаб келтир-деб буюради. Уста заргар Лал ва ёқутдан бир покиза, қимматбахо узук ясаб келтиради. Подшох узукнинг қошини тескари қилиб бармогига тақади. Аччиқланиб устага бир неча қамчи урди.

- Менинг нима айбим бор, нега қамчилатдингиз-деди устта бечора йиглаб,
- сен узукни янглиш ясабсан. Шунинг учун жазо бердим.
- Бу ишда менинг айбим йўқ, айб ўзингизда узкукни бармогингизга тескари солгансиз.

-Подшо узукни бармогига тўгри тақтида сенга бекорга жазо берган эканман, рози бўл деб устага инъом эхсон қилди.

Турмушда ана шундай доно кишилар хам учраб туради.

Эй фарзанд ақилли, фаросатли ва илм хунарли кишилар билан дўст бўл, хунарсиз кишида хосият бўлмайди.

Бу

насихат хикоятда ота ўз фарзандига илму хунарли кишилардан ўрганиб хунарда камол топишини уқтиради, подшохнинг ноўрин хати-харакати орқали хаётда у каби хунарсизлар хам борлиги ва улар туфайли қўнгилсизлар бўлиши мумкунлиги айтиб ўтилади.

Халқ педагогикасида меҳнат қилиш инсон хаёти учун зарурлигини болаларнинг чуқур хис қилишларида «Наврўз», «Янги йил» ва бошқа байрамларни кутиб олишга тайёргарлик, катта ишни кўпчилик бўлиб амалга ошириш хашар муҳим воситалардан бўлиб хисобланган.

Ўзбек халқининг асрлар оша давом этган хашар анъанаси бунёд этилган катта Фаргона дарёси кишилар, ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотида муҳим воқеа бирликда қилинган меҳнатнинг ёрқин самараси бўлди.

Ўтмишда яхши ва наъмунали ишлар учун болаларни рагбатлантириш усули хам меҳнат тарбиясида яхши тарбия беради. Бу усул наъмунали ишлар қилган болаларга нисбатан қўллданилади.

Меҳнат тарбиясида жазолаш усули меҳнат қилишни истамаган, топшириқни бажармаётган болаларга нисбатан қўладанилади ва унга берилган ваъдани бекор қилиш топшириқни бажваришга, уни қайта ишлашга мажбур этиш шакилларида бўлади.

Меҳнат тарбиясида ота боболар қўллаган ибратли усуллар уларнинг бой тажрибаси хозирги даврда хам мактабларда қўлланиб, ижодий ривожланмоқда. Чунки, меҳнат – инсонгият хаётининг, унинг ўсиб, камол топиши ва нафосатли бўлиши моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбайдир. Инсон меҳнатининг асосий хусусиятларидан бири унинг фикир юритиш, ижод қилишга мойил ва қодирлигидир. Инсон буюм-нарса яратар экан у аввлам бор ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиришни ўйлади шу билан бирга яратган нарсасини ташқи кўриниши ва гўзаллиги билан бошқалар дикқат эътиборини ўзига жалб этадиган уларнинг хам моддий хам маънаавий эҳтиёжини қондирадиган бўлиши хақида фикр юритади.

Меҳнат жараённида болаларнинг нафосат хақидага тушунчаларини дид ва қарашларини ривожлантириш тарбиявий ишнинг муҳим томони хисобланади. Гўзал дидли инсон яхши фазилатлар эгаси-инсонпарвар, меҳнатсевар даврнинг илгор гояларини чуқур ўзлаштирувчи, шу гояларнинг ривожига ўз хиссасини қўшишга интилевучи бўлиб, етишади. Меҳнат фақат инсоннинг камол топиши учунгина эмас балки хатто у эришган инсонийлик хислатларини мазкур даражада сақлаб туриш учун хам зарурый шартдир. Инсон меҳнат қилмай туриб, илгари бора олмайди, меҳнат қилмаса эришган даражасини сақлаб қола олмайди, у орқага қараб кетишга мажбур бўлади. Инсоннинг танаси қалби ва ақли меҳнат қилишни талаб этади,. агар инсон бирон бир сабабга кўра турмушда шахсан меҳнат қилмаса у холда, инсон чинакам турмуш ўюлини ўқотади ва турмушдан чексиз норзи бўлади, хамма нарсадан қўнгли совиб хеч нарсани ёқтирамайди хамиша зерикib хуноб бўлиб юради, иккинчидан ундаид одам ўз хохиши билан ўзи хам сезмаган холда ўзини ўзи нобуд қилиб боради ва тез орада ёш болаларга хос инжиқ ва қайсар бўлиб, қолади. Бу иккала йўл хам инсон тириклайн мурдага айлдантиради, нимага десангиз шахсиз меҳнат, эркин меҳнат –ана шунинг ўзи хаётдир. Меҳнатнинг гўзаллик хусусияти –инсон хаётида хиссиёти орқали онги ва хулқига таъсир этади. Меҳнатнинг гўзаллик хусусияти эса меҳнат жараёни гўзаллиги меҳнат шароити

гўзаллиги меҳнат натижалари ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган инсон гўзаллиги ташкил этади.

Ақлий меҳнат тафаккур, мушохада, дунёни билиш билимларни эгаллаш улар асосида ўз дунёқараши ва эътиқодини шакиллантириб боради. Бу меҳнатнинг хақиқатдан меҳнатга айланиши учун у аниқ мақсадга гўзалликни ёритиш орқали болаларда меҳнатни севиш хиссини тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

Ёшларга меҳнат нафосати-гўзаллигини кўрсатиш, меҳнатда инсоннинг ўсиши ақлий, ахлоқий ва жисмоний томондан камол топиши инсондаги гўзалликни ижод шодлигини намайиш этишдир. Бу ишни амалга оширишда ўтмиш мумтоз адабиёт ва 20 аср адабиёти асарларида инсон меҳнати бадиий чизилган образларни, асалан Алимшер Навоийнинг Фарход ва Ширин... достонидаги Фарход, Ойбекнинг «Қутлуг қон», романидаги Йўлчи, Абдулла Қаҳорнинг «Синчалак», қиссасидага Саида образларидан фойдаланиш мумкин.

Улуг Алишер Навоий ўзининг «Фарход ва Ширин», достонинг бош қаҳрамони Фарходнинг Армкания ўлкасида ариқ қазиш,. «Бехрун нажод» ни барпо этишда кўрсатган қаҳрамонлигини меҳнат зафарини шундай тасвирлаган.

Ариқ жавафин алар килгунча холи,  
Бу олиб тешасин илигига холи.  
Аригнинг қилголи малса хорошин,  
Қилибон тешанинг пайдо гарошин.  
Йўнарга пешани илгвага олса,  
Қилиб юз юз қори харони малсо.  
Мусайқал айлабон кўзгу масаллик,  
Ки анда юз кўрунуб сув масаллик.

Мазмуни. Улар ариқнинг ичини тозалашаётгандарида Фарход тешасини бўшгина ушлаб, ариқнинг гадир-будир ерларни силлиқлаб, тош йўниш учун у тешасини кўлга олганда, юз қулоч ерларни силлиқлаб чикар эди. Унинг силлиқлаган ерлари кўзгудай сайқалланган унда одамнинг юзи сувда кўрингандай кўринади.

Фарход қазиган ариқдан келган сув билан «Бахрун нажот», ховузи тўлади. Ховуз ёнида у қурган қасир одамларни хайратда қолдиради. Халойиқ шод хуррам бўлади, Фарходга оғаринлар айтишади.

Ким ул қозиб арига поху сода,  
Неча ишлар дого айлаб зиёда.  
Ясаб ул нави қасри чарх монанд  
Ки топиб кунгури гардунга пайванд.  
Бу янглиг киила таҳрири оинг  
Бу янгилик нақш ила тасъвири онинг.  
Қилиб ишларки қилгил одамзод  
Бўлиб кўрмакдин они одами шод.

Яъни, Фарход ариқни жуда тоза ва силлиқ қилиб қазийди. Бунинг устига талай ишларни хам қиласи. У осмонга ўхшаш шундай бир қасир қурдики, унинг кунгураси кўп билан туташган. У ўз қалами билан гоят гузал нақшлар солади, расимлар хам чизади.

Демак, Фарход ёшлиқда эгаллаган билимларни тош йўниш, нақш чизиш, бино куриш, бўйича эгаллаган хунарини халқнинг баҳт саодати учун, унинг орзу истагини амалга ошириш учун сарфлайди. Фарход меҳнатнинг гўзаллиги хам шунда кўринади. Бу гўзаликдан Фарходнинг ўзи хам мамънун бўлади.

Меҳнат тарбиясида ишнинг тартибда бўлишига хам ахамият берлади. Бола ишни бир тартибда бажариш билан ўз харакатини бошқалар харакати билан мослаштиради, натижада жамоа бажараётган ишда хам уйгунлик вужудга келади.

Меҳнатнинг маълум бир тартибда бўлиши болада ахлоқий хис туйгуни хам ўстиради. Улар меҳнат қилиш жараёнида пайдо бўладиган гўзал хиссиётнинг инсон хаётида эниг маънавий эктиёж эканлигини болаларнинг англаб олишларига алоҳида ахамият беради.

Хар бир миллат жумладан, ўзбек халқи хам хаётга қайси соҳада бўлмасин, ўз эзгу ниятлари ижодий меҳнат туфайли эришади. Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги

опера ва балет театри биноси хам ўзбек халқининг ижодий меҳнати билан барпо бўлган. Мухташам ёдгорлик, мөъморчилик хунари санъатнинг гўзал наъмунасидир.

Бу бинони қуришда 60 йил ганчкорлик касбига эга бўлган уста Ширин Муродов театрирнинг Бухоро залидаги нақшларини ўзи ишлайди. Уста Ширин бу залда ойнабанд фонга ўйма ганчкорлик гуллар ва шифтларга ўйма нақишлар солган. Залга кираверишдаги порталин албастир панжаралар билан химояланган. У яратан безаклар ўзининг композицион қурилиши жихатидан томашабинларни хайратда қолдиради.

Ганчкорлик касбини севиш зийраклик чидам ва ихлос билан уни эгаллаш уста Ширин Муродовга шуҳрат обру эътибор келтириди.

Мактабда меҳнат тарбиясининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг меҳнатда наъмунали бўлишига боғлиқdir. Юксак дид билан у ишлаган хар бир буюм ва асбоб ўқувчиларда шундай нарсаларни ишлашга қизиқиш уйғотади

Ўқувчилар мустақилликни, фикирлашни, ижодкорликни талаб этувчи меҳнатни севадилар. Бу хусусият уларга умуман ёшларга хосдир. Ўз кучларини кўргазмали мустақил тарзда намоён бўлганини хис этган кўрган тақдирдагина ўқувчилар қизиқиш билан меҳнат қиласи.

Меҳнат ижод наъмунаси даражасига кўтарилиши билан жозибадорлик касб этди, кишиларни ўзига мафтун қиласи. Ўқувчиларда ана шундай хусусиятга эга бўлган ижодкорликни шакиллантириш ва ривожлантиришда ўқитувчининг наъмунали ишлари хамиша биринчи ўринда туради. У ана шу наъмунали ишларга кўра ўқувчилар маънавий дунёсининг мемори, уларни мураббийси хисобланади.

### **Назорат топшириклари.**

1.1. Дарахт япроги билан куркам, одам ..... билан.

- А) Ахлоқи билан
- Б) Меҳнати билан
- В) Хурмати билан
- Г) Яхшилиги билан

1.1. Болаларда меҳнат килиш зарурлигига ишонч хосил килишда, уларни меҳнатга руҳан тайёрлашда кимлар купрок уз хиссасини кушган?

- А) Оналар
- Б) Амакилар
- В) Ота-оналар
- Г) Ота-боболар

Фойдаланилган адабиётлар.

1.”Кобуснома”, Т. “Уқитувчи”, 1994 й.

2. Халқ педагогикаси-инсон камолотининг асоси. 1-5 китоблар. Т. 1992 й.

3.Хадислар. 1-6- китоблар. Т. 1996 й.

4.Мовлонова. Р ва бошқалар “Педагогика”

5. Узбек халқ эртаклари. Т. “Уқитувчи”, 1988й.

### **6-мавзу: Ўтмиш мутафаккирлари таълим -тарбия хақида.**

#### **машғулотнинг технологик харитаси**

<b>Т\r босқич</b>	Бажариладиган иш мазмуни	<b>Амалга оширувчи маъсул</b>
<b>1-босқич</b>	<b>Дарс мақсади:</b> Ўқувчиларга утмиш мутафаккирлар ва таълим тарбиянинг фалсафий муаммолари хакида тушинтириш. <b>Идентив мақсадлар:</b>	<b>Ўқитувчи</b>

	<p>1.1 Утмиш мутафаккирлар хакида маълумотлар берадилар,</p> <p>1.2 Таълим тарбиянинг фалсафий муаммоларини тахлил киладилар.</p>	
2-босқич	<p><b>Асосий тушунчалар:</b> Форобий, педагогик карашлар, фалсафий муаммолар таълим-тарбия, ахлок, илм ва хк.</p> <p><b>Дарс шакли:</b> гурухда ишлаш.</p> <p><b>Воситалар:</b> проект, компьютер.</p> <p><b>Метод ва усуллар:</b> амалий машғулот, кўрсатиш, тушунтириш.</p>	Ўқитувчи
3-босқич	<p><b>Гурухда ишлаш.</b></p> <p>1.1.Утмиш мутафаккирлари ва таълим -тарбиянинг фалсафий муаммолари.</p> <p>1.2.Таълим-тарбиянинг умумий ва хусусий муаммолари.</p>	Талаба
4-босқич	<p><b>Мустаҳкамлаш ва бохолаш учун саволлар:</b></p> <p><b>Назорат топшириклари.</b></p> <p>1.1.1 Форобий усимлик ва инсонга оид булган хусусият ва кобилятларни бир-бутин холда кандай атайди?</p> <p>А) акл, Б) сузлаш, В) кувват, Г) куч,</p> <p>1.1.2 Форобийнинг фикрича, билишнинг неча боскичи бор?</p> <p>А) иккита, Б) туртта, В) бешта, Г) олтита,</p>	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<p><b>Умумий яқуний хуносалар чиқариш:</b> Мақсадга эришилди. Вазифалар бажарилди.</p> <p>Мустақил иш топшириклари қилиб ,талабаларга</p>	Ўқитувчи

### Асосий саволлар

- 1.Утмиш мутафаккирлари ва таълим -тарбиянинг фалсафий муаммолари.
- 2.Таълим-тарбиянинг умумий ва хусусий муаммолари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Форобий, педагогик карашлар, фалсафий муаммолар таълим-тарбия, ахлок, илм ва хк.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:** Ўқувчиларга утмиш мутафаккирлар ва таълим тарбиянинг фалсафий муаммолари хакида тушинтириш.

#### Идентив ўқув максадлари:

- 1.3 Утмиш мутафаккирлар хакида маълумотлар берадилар,
- 1.4 Таълимтарбиянинг фалсафий муаммоларини тахлил киладилар.

#### 1-асосий масаланинг баёни:

Шарқда илк ўрта асирда энг мухим тарихий воқеа ислом диннинг вужудга келиши тарқалиши ва араб халифалигининг ташкил топиши бўлди. 9-10 асрлар Араб халифалигининг

энг кучайган, Яқин Шарқ шаҳарлари-Бағдод, Дамашқ шаҳарларида маданиятнинг тез ривожланган даври бўлди.

Халифаликка қарам бўлган ўрта ва яқин шарқнинг бошқа шқхарларидан Бағдодга айниқса, 813-833 йилларда ўқимишли маърифатпарварлар оқиб келди. Бу ерда ўз даври академияси хисобланган, «Донолик уйи», кутубхонаси, опсерватория вужудга келди. Ўрта Осиёдан борган М.Хоразмий, Фарғоний, Марвозий, Мавлудий каби олимлар хам Бағдодда илм маърифатнинг ривожига катта хисса қўшдилар айниқса, Ўрта Осиёлик олимлардан Форобий бу давр илими- маънавиятига маданиятига катта хисса қўши.

Абу Наср Форобий –Ўрта Асир Шарқнинг машхур-мутаффаккири қадимги юон фалсафасининг Шарқдаги машхур мутаффаккири тарғиботчисидир .У Сирдарё бўидаги ўтрор шахрида 873-йилда туғилиб, Шош Бухоро шаҳарларида ўқиди, сунгра араб халифалигиниг маркази Бағдод шахрига бориб у ерда кўп йил истиқомат қилди. Юон файласуфлариниг асарларини мутола қилиш ,турли тилларни ўрганиш билан шуғулланди, умрининг сўнгти йилларида Дамашқда яшаб, 950- йилда вафот этди. У турли соҳаларга оид илмий асарлар қолдирди. У «Ақл хақидаги рисола», «Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак», «Субстансия хақида» каби 160 дан ортиқ рисолалар яратди.

Форобий қадимги юон илимларинг чуқур билимдони бўлгани, унинг шарқда тарқалиши ва ривожига катта хисса қўшгани туфайли Шарқ Аристотели Иккинчи муаллим хисобланган.

Форобий биринчи бўлиб ўз даври илмлари класификациясини яратди ва унга багишлаб, катгор рисолалар ёзди. Форобий ўз даврининг буюк олимси сифатида матетатика, тиббиёт, араб тили граматикаси, алхимия, мантиқ, илмларига оид асарлар хам ёзди. Аммо Форобий авваламбор машқур файласуф бўлиб, фалсафанинг энг муҳҳим масалалари бўйича катор асарлариниг муаллифидир.

У Шарқда қадим юон фалсафаси айниқса қадимги дунёнинг энг машхур олим Аристотельнинг асарларини ўрганиш уларга шарҳлар ёзиш, ғояларини тарғиб этди ва файласуф ғоясини янада ривожлантириди, бутун шарқда иккинчи муаллим унвонига сазовор бўлди, юон олимлари Платон, Галиён, Эвкулит, Парафий, Сукрот каби олимлар рисолаларига шарҳлар ёзди.

Фароби ўз даврида ижтимоий сиёсий хаётнинг турли масалалари хақида фикр билдириб уни бошқариш, камолотга эришган ижтимоий жамоани яратиш каби ижтимоий утопик масалаларни олға суради, етук жамоани вужудга келтириш комил инсонни яратиш муаммосини хал этиш билан боғлиқ эканлагини баён этади.

Форобий оламнинг турли туманлигини табиатнинг нихоятда бойлигини этироф этиб, улар асосида 4 элемент ер, сув, оллов, ҳаво ётишини шу билан бирга оламни ибтидоси бошланиши бошланғич яратувчи кучдан нурланиш ёрдамида поғонама -поғона бўлиб вужудга келганлигини таъкидлайди.

Фарнобийнинг фикрича, мавжудоднинг энг буюк етук бу инсондир. Инсон ўзининг онги ,ақли сезиш аъзолари туфайли, оламни хар томонлама ўрганиш қобилиятига эга.инсон ўз ақли ёрдамида ўзини ўраб олган мавжудотнинг моҳиятини тушинади.

Форобийнинг педагогик таълимотлари ўз даври учун айниқса катта ахамиятга эга бўлиб инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган.

Форобийнинг гуманизм унинг таълим тарбия инсон шахсиятини камол топтиришнинг йўл йўриклари илм-маърифатга эришувнинг усуллари, ижтимоий муаммаларни ечиш масалалари, асосида ётади. Бу муаммаларни Форобий инсон инсонийлик етук инсоний жисимларни яратиш нуқтайи назаридан хал этишга интилади.

Форобий Ўрта асир Яқин ва Ўрта Шарқда илгор педагогик таълимотларнинг асосчиларидан бири сифатида ўз асарларида дидактик таълим -таъбиянинг писихологик асосларини этика эстетиканинг муҳҳим назарий масалаларини ўз фалсафасининг ажралмас қисми тарзида таҳлил этди.

Форобий инсоннинг камолотга етказиш таълим- тарбия ижтимоий хаёт, муаммаларини хал этиш каби кундалик масалалар билан машгул бўлди.Унинг уқтиришича, инсонни баҳт саодатга элитивчи жамоа етук жамоа бўла олиши мумкун. Комил инсонни яратиш уни баҳт саодатга элтиш , хар қандай давлат жамоа бошлигининг, вазифаси бўлиши даркор.

Форобий инсон билимининг ривожида илм фаннинг ролини хал этувчи дебют билади ташки оламни ўрганиш табиат сирларини билишда, табиий билимининг рольни алохидаги қайд қиласди.

Форобийнинг таъкидлашича, инсонни тарбиялаш 2-хил усул ёрдамида олиб боришлиши мумкун. Агар тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурый ақлий ва ахлоқий хислатларни билимли бўлишга тўғрилик хақиқатни севишга жасурлик дўстларга садоқатли бўлиш каби фазилатларни эгаллашга интилмаса тарбиячи муаллим унда фазилатларни шакиллантироғи лозим.

Демак, Форобий педагогик масалаларни ва уларни узвий боғлиқ бўлган писихологик физиологик муаммоларни фалсафанинг мухим қисми сифатида талқин этади хамда инсонни хар томонлама яхлит ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан иборат эканлигини айтиб уни бир бутун холда ўрганиши тавсия этади.

Инсон баҳт саодатли жамоанинг аъзоси қилиб етиштириш учун изчиллик билан иш олиб бориши лозим. Коимил инсон ва баҳт саодатга элитувчи жамоанинг раҳбари Форобийнинг фикрича комил инсон учун зарур бўлган барча фазилатларни хамда етук раҳбар учун шарт бўлган хислатларни эгаллаган бўлиши керак.

Фароби ўз фалсафий қарашларида жумладан педагогик ғоялари хусусий ижтимоий педагогик ғоялари билан Шарқ ва Фарбнинг сўнги мутаффакир олимларига – Ибн сино Беруний Ибн Рушид, Роджер, Бекон, Дидақта, Сипинозага катта таъсир кўрсатди.

### **Таълим-тарбиянинг фалсафий муаммолари**

Форобийнинг педагогик қарашлари таълим-тарбия хақидаги таълимотни ўрганишда инсон хислатлари тўғрисидаги фалсафий қарашлари нихоятда мухим ахамият касб этади. Форобий ўзининг фалсафий қарашларида одамнинг тузилишини рухиятини моддий ва маънавий оламни ўрганишга ахамият беради.

Форобий таълиммотича инсон барча бошқа жисмлардан бўлмаган қобилят ва кучга рухий қувватларга ақл ва сўзлаш қобилиятига эга. Бу куч унинг табиятдага бошқа жисмлардан ажратиб туради ва унинг устидан хоким бўлиш имконини беради. Форобий ўсимлик ва инсонга оид бўлган хусусият ва қобилияtlарни бир бутун холда қувват атаб уни ўсиш қуввати хайвоний қувват ва инсоний деб 3 га ажратади.

Форобий ўз дунёкарашида нарса ходисаларни билиш инсон ақлини билим билан бойитиш уни илимли маърифатли қилиш учун хизмат қилувчи рухий жараёнга алохидаги эътибор беради.

Форобий ўз асарларида билишнинг 2 босқичи хиссий билиш ва ақлий билиш хақида фикр билдириб, хиссий билишнинг даражалари келиб чиқиши ривожланиши хақида фикр билдиради. У билиш жараёни ва инсон билимининг келиб чиқиши хақида шундай дейди.

«Инсон билимларини ақл ва сезиш органлари орқали кўлга киритади. Сезилувчи образлар эса хис этиш орқали ақлий образ сезилувчи образлар орқали билинади.

Форобий хикмат асослари рисоласида сезиш турларига характеристика бериб, ташки обьектнинг сезги аъзоларига кўрсатган таъсири натижасида унинг ўзгаришини алохидаги қайд этади.

Форобий таълимотича инсоннинг беш сезги беш турли вазифани бажаришга мувофиқлашган бўлиб улар ташки мухитдан олган хабарларни бир ягона марказга олиб келади ва бу марказда барча хабарлар образлар умумлашади. Одам аъзоларининг маркази юрак бутун тана ва унинг аъзоларини қон билан таминлайди. Кон юрак орқали бутун аъзоларга тарқалади. Иккинчи марказ миядир, мия хам қон билан тирик бўлганлиги сабабли, юракка бўйсунади, яъни юракдан қон олади лекин, шу билан бирга у бутун аъзоларга раҳбарлик қиласди, ўз буйргуни бўйсундиради уларни маълум мўтадилликда ушлаб туради. Демак, Форобийнинг фикрича 1-дан инсондаги рухий жараёнлар билан физиологик-анатомик жараёнлар рухият, аъзо билан боғлиқ, 2-дан юрак инсоннинг биологик хаёти мия эса рухий маънавий хаётни бошқариб туради.

Форобий файласув сифатида рухий жараёнларни инсоннинг ақлий ахлоқий маънавий ривожига боғлиқ холда ўрганишга ва талқин этишшага харакат қиласди. шунинг учун хам у ўз асарларида сезгилар ва ақлий билиш фикирлаш каби жараёнларга жуда катта эътибор беради

ва улар хақида бошқа рухий жараёнлар, Масалан хотира, тасаввур, диққат, хис туйғу, ирода, қобилият, малака каби шахсий хислатларни билиш жараёни билан боғлиқ холда сүз юритади.

Инсонга хос бўлган ва унинг маънавий юксалишида мухим ахамият касб этувчи таффаккур ва нутқнинг ривожланиши таълим-тарбиянинг асосини ташкил этувчи мухим жараёндир.

Ақл деб ёзади Форобий жисимларини бундай хислатлардан холда текширганда бу фақат жисимларнинг моҳияти нимадан иборат эканлигини ва сезгилардан нималар мавхумлаштирилганини аниқлашга қаратилган бўлади. Жисимнга у билан боғлиқ бўлган белгилардан ажратиб оловчи ақл фаолияти шу жисимнинг фақат моҳиятини текшириш учун хизмат қиласди.

Инсон тафаккури ва нутқининг фазилатлари грамматика ва мантиқ фанининг ривожига унинг айрим масалаларини таҳлил этишга, жуда катта эътибор беради. У Аристотельнинг мантиққа оид барча асарларига шарҳлар ёзади ва мантиқнинг турли бўлимлари тушунча хукм «дидуксия», исботлаш кабиларга бағишлиланган рисолалар ёзиб, қолдирди. Унинг рухият ва мантиқа оид фикирлари таълим-тарбия соҳасидаги таълимотнинг табий илмий назарий асослари бўлиб хизмат қиласди.

### **Назорат саволлари.**

- 1.1.3 Форобий усимлик ва инсонга оид булган хусусият ва кобилятларни бир-бутин холда кандай атайди?
  - А) ақл,
  - Б) сузлаш,
  - В) кувват,
  - Г) куч,
- 1.1.4 Форобийнинг фикрича, билишнинг неча боскичи бор?
  - А) иккита,
  - Б) туртта,
  - В) бешта,
  - Г) олтита,

**2-асосий савол буйича уқитувчининг мақсади:** Талабаларга таълим ва тарбиянинг умумий ва хусусий муаммолари хақида тушинтириш,

### **Идентив ўқув мақсадлари.**

- 1.1 Таълим ва тарбия хақида сузлаб берадилар,
- 1.2 Таълим ва тарбиянинг умумий ва хусусий муаммоларини тушинтириб берадилар,

### **2-асосий саволнинг баёни:**

#### **Таълим –тарбиянинг умумий ва хусусий муаммолари.**

Инсон тарбияси масаласи, Қадимги Шарқда Ғарбда хусусан Қадимги Юнонистонда хар доим мутаффакир олимларнинг диққат марказида бўлиб келди. Форобий Қадимги Юнонистон файласуф олимларининг меросини ўрганар экан Аристотель Платон Сукрот Пифагор кабилар асарлари билан яқиндан танишди. Уларга шарҳлар ёзди. Таълим тарбияда инсоннинг маънавий юксалишига катта эътибор беради. Форобийнинг фикрича, инсонни тарбиялаш ва унга таълим бериш узвий бирликда олиб қаралайди аммо улар ўз хусусиятларига кўра бир юкоридан фарқ қиласди.

Файоробий инсоннинг дунё тарақиётини энг мукаммал ва етук якуни деб билади.

Форобий асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурияти ва бунинг учун нимага асосланиш лозимлиги таълим тарбия усуслари ундан қутилган мақсад масалалари асосий ўрин эгаллайди.

Хусусан унинг «Баҳт саодатга эришуви хақида»,. «Идеал шахар ахолисининг фикирлари, шунингдек «Иҳсо ал улум», «Ақл маънолари хақида», номли асарларида бу масала кенг ёритилган.

«Бахт саодатга эришув хақида», номли рисоласида билимларни ўрганиш таркиби бирма бир санаб ўтилган. Билиш зарур бўлган илм бу олам асослари хақидаги илмдир. Уни ўргангач табиий илмларни табиий жисмлар тузилишини шаклини осмон хақидаги илмларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг умуман жонли табиат ўсимлик ва хайвонлар хақидаги илм ўрганилади.

...Бундан кейин деб давом этади: Форобий инсонни ўрганишга киришамиз ва инсоннинг билишидан кутилган мақсад ва мудаони ўрганамиз ва шунинг натижасида нима ва қандай нарса эканлигини билиб оламиз. Шундан кейин биз инсонниг хозирги камолотига эришуви сабаб бўлган нарсаларни ўргана бошлаймиз. Бу нарсалар эса хайр эхсонли ишлар гўзал инсоний фазилатлар бўлиб, бу фазилатларни инсонни шу камолотга эришувидан маҳрум қиласидиган салбий хислатларни ажратиб ўтамиз. Бу салбий хислатлар ёмон одатлар хатти-харакатларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганишдан аввал шу хулқ-атвор хатти харакатнинг ўзи билан танишиб чиқамиз. Бу илм шундай нарсаларни ўргатаувчи илмки унинг ёрдамида шахар халқлари ва шахарлик бўлмаган халқларни ўз ичига олган яъни инсон оламига хос бўлган барча хислатларни ўзида умумлаштирган одамзод жисимга хар тури аъзолар каби кишига маълум бўлади.

Форобий инсоннинг материя ва ривожланишнинг олий якуни сунги натижаси деб тушунгани учун хам инсоннинг ижтимоий хаёти тўғрисидаги илмни табиат тўғрисидаги барча илмлар якуни сифатида талқин этади.

Форобий инсоннинг ижтимоий хаёти хақидаги илмнинг вазифасини хусусиятини қўйдагича белгилайди.

...Сиёсий илм онгли фаолият ва хаёт йўл йўриклиарининг кўнрнишларини шунингдек, урф-одат ахлоқ малакалар ва табиий бойликларини. улар орқали қўлга киритилувчи мақсадлар инсонда уларнинг ифодаланишиш ва вужудга келиш усуулларини уларни бажариш усууллари уларни бошқариш усууллари ва сақлаб қолиш йўлларини ўрганади...

Демак, Форобий бу илмга асосан икки мухим соҳани ахлоқ илмни ва шахарни ва жамоани бошқариш сиёсий илмни киритади.

Инсон ахлоқи тўғрисидаги таълимот этика Форобийнинг ижтимоий таълимотида энг мухим ва аосий ўринлардан бирини эгалайди.

Форобий ахлоқ тўғрисидаги илмини анъанага асосланибгина белгиламайди. Субектив равишгда келиб чиқиши кўрсатади ва уни келтириб, чиқарган омиллар яъни инсоннинг ижтимоий моҳиятини хам асослашга харакат қиласиди.

«Бахт саодатга эришув тўғрисида», «Идеал шахар ахолисининг фикирлари», асарларида бу саволга Форобий шундай жавоб беради.

«Ақл ва нафс-деб ёзади, Форобий Бахт саодатга эришув тўғрисида деган рисолада ўзининг чексиз камолоти билан борлиқда инсон бўлиб, гавдаланади. Аммо бу бошлангичлар одамзоднинг шу табиий бошлангичлар таъсири остида камол топиб инсонга айланиши учун кифоя қилмайди, чунки инсоний камоллотга эришуви учун касб хунарга муҳтоҷдир.

Аммо шуни хам айтиб ўтиш керакки, нутқ инсоннинг камолотга етишувининг ягона сабабаларидан бири эмаслиги хам очиқдан-очиқ аёндир. Камолга етиш куруқ интилишгина бўлиб қолмасдан, балки табитдаги жуда кўп нарсалардан фойдаланиш йўли билан ёки шу табиатдан ташқарида бўлган жуда кўп ишларни амалга ошириш йўли билан қўлга киритилади. Бир кишининг ўзи ёлгиз камолга етиша олмайди. Хар бир инсоннинг тұғма табиатида ва унга лозим бўлган хар қаандай иш ва харакат жараёнида бошқа бир инсон кўпчилик билан муносабатда бўлиш ўзаро алоқа қилиш хосияти бор.

Шу мазмундаги фикир, «Идеал шахар ахолисининг фикирлари асарида янада аниқ ифодаланган маълум бир фикрга малдум холосага келмоқ учун бу фикрни хам қўйида келтирамиз.

Хар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун куп асрларга муҳтоҷ бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиш учун шундай ингсонлар жамоасига эхтиёж туғиладики, бундай жамоанинг хар бир аъзоси унинг эхтиёжи учун зарур бўлган нарсалар бирортасини етиштириб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпаядилар ва ерни ахоли яшайдиган қисмида жойлашадилар натижада инсон жамоаси вужудга келади.

### **Назорат саволлари.**

4.1.1 Инсон ахлоки тугрисидаги таълимот кандай аталади?

- А) Этика,
- Б) Полетика,
- В) эстетика,
- Г) Философия,

2.2.1 “Иҳсо ал- улум” асарининг маъноси нима?

- А) Илларнинг тартиби,
- Б) Хикмат асослари,
- В) Ақл хакидаги рисола,
- Г) Фалсафа муаммолари.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Узбек педагогикаси антологияси . Т, “ Уқитувчи” . 1-жилд 1995 й, 2-жилд 1999 й.

2. Урта Осиёда педагогик фикр тараккиётидан лавхалар. Т. “Фан” 1996 й.

3. Халк педагогикаси –инсон камолотининг асоси . 1-5 китоблар 1992 й.

## **7 -Мавзу: Форобийнинг педагогик қарашлари**

«Форобийнинг педагогик қарашлари» мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси

Т\r босқич		Амалга оширувчи маъсул
1-босқич	<p><b>Бажариладиган иш мазмуни</b></p> <p><b>Дарс мақсади:</b> Форобийнинг хаёти ва ижоди хакида талабаларга билим, куникма ва малакалар бериш, Форобийнинг таълим-тарбия борсида билдирган фикрларини талабаларга сузлаб бериш.</p> <p><b>Идентив мақсадлар:</b></p> <p>1.1.Форобийнинг хаёти ва ижоди хакида сузлаб берадилар.</p> <p>1.2.Форобий ижодидан наъмуналар келтирадилар.</p>	<b>Ўқитувчи</b>
2-босқич	<p><b>Асосий тушунчалар:</b> Форобий, қарашлари, ҳалк оғзаки ижоди, утмиш мутафаккирлари, тарбия турлари, шарқ мамлакатлари, илм, устоз.</p> <p><b>Дарс шакли:</b> гурухда ишлаш.</p> <p><b>Воситалар:</b> проект, компьютер.</p> <p><b>Метод ва усуллар:</b> амалий машғулот, кўрсатиш, тушунтириш.</p>	<b>Ўқитувчи</b>
3-босқич	<p><b>Гурухда ишлаш.</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Форобийнинг хаёти ва ижоди хакида тушунтирадилар.</li> <li>- Форобийнинг хаёти ва ижоди хакида гапирадилар</li> <li>- Форобийнинг таълим-тарбия борсида билдирган фикрларини мисоллар келтирилади</li> </ul>	<b>Талаба</b>
4-босқич	<p><b>Мустаҳкамлаш ва боҳолаш учун саволлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Форобий болаларнинг феъл авторига караб тарбия жараёнида кандай ва йуллардан фойдаланишни айтиб утган?</li> <li>- Форобийнинг таълим-тарбия хакидаги гоялари аввало нимага каратилганд?</li> <li>-Форобийнинг асарларидан мисоллар келтиринг.</li> </ul>	<b>Ўқитувчи-талаба</b>

<b>5-босқич</b>	<b>Умумий якуний хуросалар чиқариш:</b> Мақсадга еришилди. Вазифалар бажарилди. Форобийнинг хаёт ва ижодидан тушундилар. Фаробийнинг асрларидан мисоллар келтирадилар. Мустақил иш топшириклари қилиб, талабаларга адабиётларни тахлил қилиб келиш топширилди.	<b>Үқитувчи</b>
-----------------	---	-----------------

### Асосий саволлар

- 1.Форобийнинг хаёти ва ижоди.
2. Форобийнинг ахлокий ва педагогик карашлари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Форобий, карашлари, халк оғзаки ижоди, утмиш мутафаккирлари, тарбия турлари, шарқ мамлакатлари, илм, устоз ва х.о.

**1-асосий савол буйича үқитувчининг мақсади:** Форобийнинг хаёти ва ижоди хакида талабаларга билим, куникма ва малакалар бериш, Форобийнинг таълим-тарбия борсида билдирган фикрларини талабаларга сузлаб бериш.

#### Идентив ўқув максадлари:

- 1.3   Форобийнинг хаёти ва ижоди хакида сузлаб берадилар.
- 1.4   Форобий ижодидан наъмуналар келтирадилар.

**1-асосий саволнинг баёни:** Шарқ мамлакатларида Форобийни улуглаб, «Ал Муаллим ас соний», яъни Аристотелдан кейинги иккинчи муаллим деб атаганлар.

Буюк олимга бундай баҳо бериш бежиз эмас, албатта у фаннинг хамма соҳаларини урганишга алоҳида эътибор берди. Тарихшунос олимларнинг таҳминича, Форобий дунё тилларидан 70 тасини билган. Тил инсон камолотининг аклий етуклигини асоси булғанлиги сабабли, у фанларни тартиблашда тилни энг биринчи фанлар каторига кўйди. У хар бир инсон ахлига мурожат килиб, айникса ота-она ва устоз-мураббийларга карата шундай деган эди: «Кандай килиб таълим бериш ёки таълим олиш, кандай килиб уз фикрини ифодалаш, баён килиш, сураш ва жавоб бериш масаласига келғанмизда фанлар ичидағи энг биринчи фан тил хакидаги фандир. Иккинчи фан грамматика. Учинчи фан мантиқ, туртинчи фан поэтика деб тасдиклайман». Форобийнинг тил ва уни урганишдаги гояларни амалга ошириш мусстакил Узбекистонни бутун дунё билан хамжихат булған даврида айникса зарурдир. Форобий ижодиёти даврида жуда куп асарлар яратди. Унинг ижодини урганиш билан машгул булған тадқикодчилар Форобийнинг 130 та асар ёзғанлигини тасдиклайдилар.

Уларнинг 17 таси турли олимларнинг фалсафий асарларига ёзилган шархи, 60 таси алоҳида китоб, 5 таси бир канча маколалар, уз ичига олган мажмуалари хисобланади.

Уни “Афлотун конунларининг моҳияти”, “Сиёsat ва маданият”, “Фозил шахар ахолисининг ахлокий карашлари”, “Илмлар мажмуаси каби йирик асарлари мавжуд.

Форобийнинг хар бир асарларидағи асосий гояни инсон камолоти, унинг юксак ахлокийлигидир. Унинг фикрича аклий билимни пешлаш, ахлокий баркамолликни таъминлайди: Инсон юксак камолотга еришув йулида харакат килганидек, аклий билимга хам харакат килса, хеч шубҳасиз, узи интилаётган сунги даражадаги баҳт-саодатга еришади. Баҳт-саодат инсонга осонликча берилмайди. Баҳт ва мазмунли хаёт учун, дастлаб ёшлигидан бошлаб илм-хикматни урганмоги лозим. Бунинг учун сог-саломат ва одоб-ахлокли булиши, сузни уддасидан чикиши, ёмон ишлардан узини саклаши, хар кандай хиёнат, макр-хийладан узок юришини таъкидлайди.

Форобийнинг фикрича, баҳт-бу эзгуликдир. Инсоний эзгуликлар- хайрли нарсаларга, гузаллик, билимдонлик шу билан бирга яхшилик билан бөглик булған хамма фазилатларни киритган эди. Форобий инсон камолоти учун хамжихат жамоат ахлокий муносабатлари, соглом булған оила зарур деб хисоблайди. Унинг фикрича, “Хар бир инсон уз табиати билан шундай тузилганки, у яшashi, олий даражадаги етукликка эришмоги учун куп нарсаларга

мухтож булади. У бир узи бундай нарсаларни кулга кирита олмайды ва уларга эга булиши учун инсонлар жамоасига эхтиёж сезади”.

Афлотун хар бир жамоада гурух хоини ёки оилада ота-онани менсимайдиган кимсаларни жазолаш керак деган эди. Форобий бу гояларни ривожлантириб, бундай нокобил инсонларни жиноятчи, деб тушунди. Хокимият вакиллари бундай одамларни жиноятига караб, таёк билан уриб, ёки жарима солишлари керак деган эди.

Форобийнинг ижтимоий, фалсафий концепциясига кура, олам ягона мавжудотдан иборат. Оллоҳ хамма нарсанинг ибтидоси, барча вужудлар ундан эманация асосида келиб чикади, бунинг сунги погонаси материядир.

Форобий узининг фалсафий карашларида инсонга билим ва тарбия беришни асослаган. У инсон-аклли мавжудот дейилганда, унинг аклли булишига лаёкатлилиги, лекин ёмон хатти-харакатларга хам кобиллиги тушунилишини хам уқтирган. Инсонларга доимо билим ва тарбия беришни зарур деб хисоблаган. Форобий узининг идеал жамоасида одамларнинг турли белгиларига караб, гурухга булган. Кишиларнинг диний мақсадига эмас, балки табиий хусусиятларига, аввало, аклий иктидорларига хамда илмларни урганиш ва хаётий тажриба туплаш жараёнида орттирган билим ва куникмаларга катта эътибор берган. Таълим-тарбия жараёнида назарий билим билан амалий харакат ва одат- малака, фаолият бирлашиб боради, етуклик шу бирлашувнинг даражасига караб юзага келади.

### **Назорат топшириклари:**

- 1.1.1 Форобий кайси шахарда тугилган?
- А) Фороб шахрида ,
  - Б) Утрор шахрида,
  - В) Шош шахрида тугилган,
  - Г) А ва Б жавоблар тугри.
- 1.1.2 Форобийнинг фикрича баҳт бу....
- А) Эзгуликдир,
  - Б) Фарогат,
  - В) Мехнат,
  - Г) Мангулик.

**2-асосий савол буйича уқитувчининг мақсади:** Форобийнинг ахлокий, фалсафий ва педагогик карашлари, инсоннинг тузилиши рухияти хакидаги фикр ва карашларини талабаларга тушинтириш.

### **Идентив ўқув максадлари:**

- 4.1.2 Форобийнинг ахлокий ва педагогик карашларини сузлаб берадилар.
- 4.1.3 Инсоннинг тузилиши рухияти хакидаги фикр ва карашларини тушинтириб берадилар.

**2-асосий саволнинг баёни:** Форобий таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчи ёки таълим олувчи шахсга якка холда ёндашувни унинг табиий, рухий ва жисмоний хислатларини назарга олиш зарурлигини таъкидлайди. У бу ҳақида шундай ёзади: «Бу барча табиий хислатларни олий камолот сари ёки камолотга яқин бўлган даражага кўтаришга хизмат қиливчи восита ёрдамида тарбиялашга муҳтождир. Инсонлар турли илм, хунар фаолиятга мойиллиги ва қобилиятлилиги билан табиатан фарқ қиласидилар. Тенг табиий хислатларга эга бўлган одамлар эса, ўз тарбияси ( малакалари) билан тафовут қиласидилар».

Тарбияси жиҳатидан тенг бўлганлар эса, бу тарбия натижаларининг турличалиги билан бир-бири билан фарқ қиласидилар».

Тарбия жараёни, Форобийнинг фикрича, тажрибали педагог ўқитувчи томонидан ташкил этилиши, бошқарилиб турилиши ва маълум мақсадларга йўналтириши лозим, чунки «Хар бир одам ҳам баҳтни ва нарса ҳодисаларни ўзича била олмайди. Унга бунинг учун ўқитувчи лозим».

Форобий инсонга хос бўлган ва унинг маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этувчи, тафаккур ва нутқнинг ривожланишини таълим-тарбиянинг асосини ташкил этувчи муҳим жараён ҳисоблайди.

Форобий инсонни дунё тараққиётининг энг мукаммал ва етук якуни деб билади. Шунга қўра у ўз асарларида инсонга таълим ва тарбия бериш зарурлигини айтади ва бунда таълим-тарбия усулларидан кутилган мақсад асосий ўринда бўлишини айтади.

Форобий замонасининг пешкадам билимдони, сифатида тинимсиз илм урганган, ижод этган , айни пайтда муаллимлик ҳам килган, Масалан, Абу Сирожиддин астрономия математикани урганиб, унга мантиқдан дарс берган. Форобий олий мадрасаларда талабаларни уқитиб, камторона хаёт кечирган. Форобий уқитишнинг мазмунини ва конун-коидаларини, узининг амалий фаолиятида синаб курган. У инсонинг баҳт-саодатга эришиши учун зарур билимларни урганадиган фанларни этика ва сиёсий гурухларга ажратган. Этика-ахлоқшуносликдан иборатлигини, сиёсий фанлар эса, давлатшунослик, психология, педагогика муаммоларини уз ичига олишини, ана шундай билимларни урганиш инсонни хушахлок, садокатли, акл-идрокли килишни такидлади. Билимсиз, уз холича яшаб юраверган киши олдига куйилган максадларга эриша олмаслигини уқтирган. Форобийнинг фикрича, хар бир шахс муносаб одам булиши учун таълим ва табрия орқали кишилар билан мулокотни, ахлоқий кадр-кимматни ва амалий фаолиятни урганади.

Форобий болаларнинг феъл-авторига караб тарбия жараёнида «каттик» ёки «юмшок» усулларидан фойдаланиш керак, деб хисоблаган:

-тарбияланувчилар укиш ва урганишга мойил булса, таълим-тарбия жараёнида юмшок усул кулланилади,

-тарбияланувчилар узбошимча, итоатсиз булишса, каттик кулланиши лозим.

Форобийнинг таълим-тарбия ҳакидаги гоялари аввало, Оллоҳни билишга , инсоният яратган илму билимларни узлаштиришга каратилган. У таълим-тарбиянинг восита ва усулларини асослаб берган. Олимнинг уқитишга доир гоялари узидан кейинги асарларида таълим-тарбия ва инсон камолоти хусусида фикр мулоҳазаларнинг ривожланишига ижобий таъсир курсатади.

Форобий таълим-тарбияда табиат ҳодисаларидан фойдаланиш ва бу йўлда бошқа кишилар билан тўғри муносабатда бўлиб, жамиятнинг ички тартиб қоидаларини тўғри ўрганиб, унинг талабларига жавоб бера оладиган инсонни етиштириш зарурлигини таъкидлади.

Форобий инсоннинг маънавий ҳаётида асосан, унинг икки томонига: ақли-онгига ва ахлоқига (Хулқ-авторига) эътибор беради. Шунинг учун таълим-тарбия, унинг фикрича инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук мукаммал киши қилиб етиштиришига қаратилмоғи лозим. Демак, таълим-тарбиянинг бирдан-бир вазифаси-жамият талабларига тўла тўқис жавоб бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиласидиган идеал инсон тайёрлашдир. «Идеал шаҳар аҳоли илмининг фикрлари» ҳамда «Баҳт соадатга эришуви ҳакида» номли рисолаларида олимнинг бу фикрлари аниқ ифодаланган.

Форобий таълим-тарбия ишига киришиш, уни бошлишдан аввал одамларнинг шаҳсий ҳислатларини билиш лозимлигини айтади. Унинг фикрича, инсоннинг хохиш, ихтиёр, ифода, яхшилик ва ёмонлик каби ҳислатларини, нимага қобиляти борлигини аниқламай туриб ишга киришиш кутилган натижани бермайди.

Олимнинг, уқтиришича кимки энг гўзал ва фойдали кашф этиш фазилатига эга бўлса ва кашф этган нарсаси чиндан ҳам ўзининг ва бошқаларнинг истагига мувоғик бўлса, у хайрли ва фойдали бўлади Форобий болаларга таълим-тарбия бериш усуллари ҳакида шундай ёзади: «Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар, касб-хунар ва уларни бажаришга одатлантириш масаласига келганда, бу одат икки турли йўл билан ҳосил қилинади: биринчи йўл-қаноатбахш сўзлар чорловчи, илҳомлаштирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, маълакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, касб-интилиш, харакатга айлантирилади.

Иккинчи йўл- мажбур этиш йўлидир. Бу усул гапга кўнмовчи қайсар шаҳарликлар ва бошқа саҳрои халқларга нисбатан ишлатилар эди, чунки улар ўз истакларича, сўз билан ғайратга кирадиган эмасдир. Аммо улардан қайси бирики, назарий билимларни ўрганишга

астойидил киришса, ҳамда фазилати яхши касб хунарларни ва жузъий санъатларни эгаллашга интилиши юўлса, бундай одамларни мажбур этмаслик, мақсад уларни фазилат эгаси қилиш ва касб хунар аҳилларига айлантиришдир».

Тарбия бериш усули Форобийнинг фикрича, икки турли бўлади. «Аввалги усулсанъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчилар билан ишлатадиган усул. Иккинчи усул эса мажбурий равишда тарбияланувчиларни тарбиялаш учун ишлатиладиган усул. Болалар устида турган одам эса муаллим у болаларга тарбия беришда турли тарбия усулидан фойдаланади».

Форобий билимдон маърифатли билимдон етук одамнинг образини тасвирлар экан бундай дейди: «Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганмаган бўлса уни ёшлигидан бошласин, соғсаломатлиги яхши бўлсин яхши одоб ва аҳлоқли бўлсин, сўзини уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, барча қонун қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин. Илм ва аҳли илмдан мол дунёсини аёмасин, барча реал, моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин».

Бу фикрлардан Форобийнинг таълим-тарбияядаги ёшларни мукаммал инсон килиб тарбиялашда, хусусан, ақлий, аҳлоқий тарбияга алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди. Унинг эътиқодича, билим, маърифат албатта яхши аҳлоқ билан безатмоғи лозим, акс ҳолда кутилган мақсадга эриша олмайди, бола етук бўлиб етишмайди. Олим, дараҳтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам аҳлоқ билан якунланади дейди.

Форобий ўз давридаги ёшларни таълим., билим хунар эгаллашлари фаолият кўрсатишлари. Мекнат қилишлари зарурлиги хусусида фикр билдиради. Бу фикрлар ҳозир ҳам таълим-тарбияда ғоят мухимдир.

### **Назорат топшириклари:**

- 4.2.1 Форобий болаларнинг феъл атворига караб тарбия жараёнида кандай ва йуллардан фойдаланишни айтиб утган?
- A) рагбатлантириш,
  - Б) жазолаш,
  - В) Каттик ва юмшок,
  - Г) Юмшок ,
- 4.2.2 Форобийнинг таълим-тарбия хакидаги гоялари аввало нимага каратилган?
- A) Адолатга , инсонпарварликка,
  - Б) Оллохни билишга,
  - В) Эзгуликка ва ёмонликка,
  - Г) Яхшиликка ,

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Абу Наср Форобий. «Фозил одамлар шахри» Т. Халк мероси нашри. 1993 й.
2. Мавлонова Р ва бошқалар. Педагогика, Т. « Уқитувчи», 2001 й.
3. Баркамол авлод орзуси. Т. «Шарқ» 1999 й.
4. Узбек педагогикаси анталогияси. Т. «Уқитувчи», 1-жилд 1995 й, 2-жилд 1999 й.
5. Халк педагогикаси инсон- камолотининг асоси. 1-5 китоблар. Т. 1992й.
6. Урта Осиёда педагогик фикр тараккиётидан лавхалар. Т. «Фан» 1996 й.

### **8-мавзу: Халк педагогикасининг оғзаки ижодда акс эттирилиши. машғулотнинг технологик харитаси**

<b>Т\r босқич</b>	Бажариладиган иш мазмуни	<b>Амалга оширувчи маъсул</b>
<b>1-босқич</b>	<b>Дарс мақсади:</b> Халк оғзаки ижоди, унинг тур ва жанрлари, унинг ёш авлоднинг эстетик маърифий жихатдан	<b>Ўқитувчи</b>

	ривожланиҳидатутган урнини талабаларга тушинтириш. <b>Идентив мақсадлар:</b> -Талабаларга тарихимизни, утмишимизни эслатиб, узлигимизни англаб олишига кумаклашиш. -Талабаларга халк кушиклари оркали эстетик завк багишаудан ташкари, ахлокий шуруни хам уйготиш.	
2-босқич	<b>Асосий тушунчалар:</b> Достон, кунгирот, халк достонлари, мардлик, жасурлик, урф-одат, жасорат, Калмок, алплар, утов, халк педагогикаси, Барчин, Кукаман, Коражон, камал, жанр ва х.зо <b>Дарс шакли:</b> гурухда ишлаш. <b>Воситалар:</b> проект, компьютер, кўргазмалилар. <b>Метод ва усуллар:</b> амалий машғулот, кўрсатиш, тушунтириш.	Ўқитувчи
3-босқич	<b>Гурухда ишлаш.</b> 1. Халк оғзаки ижоди, унинг турлари ва жанрлари хакида. 2. «Алпомиши» достони ва унинг тарбиявий ахамияти.	Талаба
4-босқич	<b>Мустаҳкамлаш ва боҳолаш учун саволлар:</b> 1.1. Алпомиши достонида узбекхалкининг кандай кунлари тасвирланган?. А) Кабилачиликдан феодализмга кучиши, Б) Феодализмнинг дастлабки кунлари, В) Утмиш халкларнинг орзу хаваслари, Г) А ва Б жавоблар тугри. 1.2. Алпомиши калмок юртига нима учун боради? А) Бойсарига мадад бериш учун, Б) Бойсарини Бойсунга олиб келиш учун, В) Калмок шохидан кутилиш учун. Г) А ва Б жавоблар тугри.	Ўқитувчи-талаба
5-босқич	<b>Умумий якуний хуносалар чиқариш:</b> Мақсадга эришилди. Вазифалар бажарилди. Мустақил иш топшириқлари қилиб, талабаларга адабиётларни тахлил қилиб келиш топширилди.	Ўқитувчи

**Асосий саволлар.**

2. Халк оғзаки ижоди, унинг турлари ва жанрлари хакида.
3. «Алпомиши» достони ва унинг тарбиявий ахамияти.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Достон, кунгирот, халк достонлари, мардлик, жасурлик, урф-одат, жасорат, Калмок, алплар, утов, халк педагогикаси, Барчин, Кукаман, Коражон, камал, жанр ва х.зо

**1-асосий масала буйича уқитувчининг мақсади:** Халк оғзаки ижоди, унинг тур ва жанрлари, унинг ёш авлоднинг эстетик маърифий жихатдан ривожланиҳидатутган урнини талабаларга тушинтириш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1 Халк оғзаки ижодининг тур ва жанрларини айтиб берадилар.

1.2 Халк огзаки ижодининг тур ва асослаб берадилар.

жанрларни бир-биридан фарклаб,

аюнчаликни саволнинг баёни: Урта Осиёнинг энг кадимий халкларидан булган узбек

халки маънавий маданияти тариҳида суз санъати ва унинг энг кадимги тури хисобланган халк ижоди, айникса, унинг эпик жанри достонлар гоят фаҳрли урин тутган, меҳнаткаш халк оммасининг гоявий, ахлокий, маърифий, маънавий ва эстетик такомилида халкнинг асрлар давомидаги хаётин тажрибалари, озод ва фаровон хаётга интилишлари, адолатсизлик ва хаксизликка карши курашлари уз ифодасини топган. Шу маъноларида асрлар давомида сайкал топиб, авлоддан-авлодга утиб келаётган узбек халк достонлари ижтимоий тараккиёт билан боғлик булиб, халк турли даврларда содир булган иктиносий-ижтимоий узгаришларни, инсоний, маънавий ва ахлокий кадриятларни, маросим ва урф-одатларни узида камраб келган бой ва мукаммал бир манбадир. Бинобарин, бу манбани хар жихатдан урганиб, уларда ифодаланган анъанавий кадриятларни, муҳим гояларни умумлаштириб ва улардан ёш авлодни тарбиялашда улар оркали йуқолиб бораётган, инсоний кадриятларни тиклашда самарали фойдаланиш халк таълими олдида турган, хозирги кайта куришга ва жумҳириятимиз истиклолига хизмат киладиган долзарб вазифалардандир. Буни биз узбек халк эпосининг фахри, халқимизнинг ягона қаҳрамонлик эпоси «Алпомиши» достони мисолида куришимиз мумкин. «Алпомиши» достони жуда кадим замонлардаёқ узбек халки уртасида кенг таркалган булиб, халк шоири ва бахшилари томонидан уни куйлаш катта санъат, истеъдод ва маҳорат хисобланган, уни куйлаганда эса алоҳида хурмат –эътиборга ва нуфузга эга булганлар. Шу сабабли, «Алпомиши» достонининг вариантлари хам куп. Чунончи, хозирги кунгача жумҳириятимиз худудида бу достоннинг уттизга якин вариантлари ёзиб олинган булиб, улар ичидаги энг мукаммали, гоявий-бадиий жихатдан энг юксаги Фозил Йулдош углидан 1928 йилда ёзиб олинган вариандидир. Шунинг учун хам достоннинг шу варианти узбек ва рус тилларида куплаб марта нашр этилиб, кенг китобхонлар оммаси томонидан севиб укилиб келинмоакда. Чунки «Алпомиши» достонида халқимизнинг қаҳрамонона утмиши, янада аникрок айтадиган булсак, уругчиликнинг емирилиши даврида чорвадор халқимиз хаётида давлатчиликнинг пайдо булиши даврининг муносабатлари, ижтимоий-сиёсий хаёти, удумлари ахлок-одоби, кардошлиқ туйгулари, кураши, уй-фирқлари, орзу хаваслари ёркин ифодаланган. «Алпомиши» достони икки кисмдан иборат булиб, унда узбек халқимизнинг кабилачиликдан феодализмга кучиш, феодализмнинг дастлабки кунлари тасъвиранган. Достоннинг мазмунидан маълум буладики, унинг биринчи кисмida оила учун кураш гояси, иккинчи кисмida эса уруг бирлиги учун, уз элининг ор-номуси учун кураш гояси илгари сурилган. Достон сюжети ун олти уруг Кунгирот элида Алпинбийнинг угиллари Бойбури ва Бойсариларнинг фарзандсизлик догидаги изтироб чекиб юриши ва достондаги анъанавий мотивга кура, худо Бойбурига эгиз билан бошланади. Мана шу фарзанд қуриш воеасидаёқ халқимизнинг анъанавий удумлари суюнчи олиш, туйга тайёргарлик, маслаҳат оши ва туй утказиш удумлари ёркин ифодаланганини курамиз. Чунончи: «Бойлар шул вактда овдан кайтди :бу ёқдан шул вактда фарзандлар ер юзига тушди. Бир нечалар бойларнинг олдига чикиб, суюнчи олди: Бойлар вакти зиёда хуш булиб, манзилга келиб жой олиб, хар тарафга хабар юбориб, туй- томоша килмокчи булиб, чоғланиб, созланиб, ун олти уруг Кунгирот элининг катта кичик бийларини, оксокол арбобларини йигдирлиб, туй киламиз деб маслаҳат килди. Ҳамма мамлакатда овоза булиб, элинг-юргинг катта-кичилари куллук булсинга келиб, дустлари шодмон булиб, душманлари гамгин булиб, иложини тополмай, гамгин булса хам, хеч ким (юрагини) ёролмай, булар хам куллук булсинга келаверди,. Ун олти уруг Кунгирот уругининг одамлари, эшитган халоиклар гуррос-гуррос булиб келаберди. Катта-кичик келиб, туйни асбобларини тузатиб, канча суким моллар суйиб, ош-паловни дамлаб, фукаролар туйиб, шу аснода кирк кеча-ю, кундуз туйлаб ётди. Шу кичик парчада келтирилган анъанавий удумининг не хаётлиги, халқимиз онти ва одати чукур сингиб кетганлигини уларнинг хозирги даврининг яшаб, давом этиб келаётганлигидан хам англаш мумкин. Инсоннинг кундалик хаётида анъаналар ва урф-одатлардан туй тантаналари билан боғлик удумлар азал-азалдан урин эгаллаб келган, муайян даврнинг иктиносий ва сиёсий тузумининг самараси хисобланган.

Халк достонларида миллий анъаналар, урф-одатлар, инсоний кадриятлар доим ижобий образлар хатти-харакат билан боглаб тасвиранади, улар тимсолида мардлик, тугрилик,adolatparvarlik, вафодорлик, халоллик биринчи уринга куйлади. Кайси давр достони, киссаси ёки ёзма адабиёти наъмунаси булмасин, улардан инсоний кадриятлар улугланади. Масалан: »Алпомиш» достонида севимли ёр, оила ва уруг бирлиги йули курсатилган мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, турли эллар ва халклар бирдамлиги, дустлик ва самимият улугланган. Халкнинг каҳрамонлик ва мардлик хакидаги идеаллари содик дуст, вафоли ёр, оқибатли жон-жигар тугрисидаги орзу-умидлари достонининг асосий ижобий каҳрамонлари Алпомиш, Барчин, Коражон, Култова Ёдгорлар тимсолида тасъвиранади. Халк уларни уз душманларига карши курашда хар ишга кодир, жисмоний бакувват, маънавий етук каҳрамонлар килиб яратган. Масалан: Кунгирот уруги бошликлари Бойбури ва Бойсарининг болалари Ҳакимбек ва Барчин ажойиб, аройиб шароитларда тугилади ва ёшлигига ёк Шохмардан пирим томонидан унаштирилди. Ҳакимбек ёшлигиданок баходирона ишларга кодир булиб, усдива етти ёшдаёк бобоси Алпинбайдан колган ук камонли сари ёйдан отиб, Аскар тогининг чуккисини учириб юборггани учун Алпомиш номини олади ва туксон алпнинг бири булиб колади.

Алпомишнинг асосий жасорати, каҳрамонлик закот талаб килганлиги учун акаси Бойбуридан аразлаб, ун беш кунлик масофада Калмок юртига, Кашал юртига кучиб кетган.

Карама баланд пастга,  
От күйди калмок устига...  
Иккови шундай от солиб,  
Калмокни уртага олиб,  
Канча калмоклардан уялиб,  
Коражонбекни кайтариб,  
-Элга булгин хабардор,-  
деб,Хакимбекурушда колиб.  
Ёлгиз буп бунда юради,  
Куп калмокни улдиради,  
Килич-найза соп куради,  
Бу алпга таъсир килмади,  
Калмок айтгани булмади,  
Калмок фикр уйлади,  
Бехуда жонни кийнади,  
Кочмокни талаб айлади,  
«Тиги олмос бунга ботмас,  
Уруш килган омон кетмас,  
Бу узбек кандай жодугар  
Ёбу кашмирми, хийлагар?  
Хеч ким булмади бароба,  
Урсанг ботмайди яроклар»,  
Калмокларда бордир  
номдор,  
Алпомишга булди дучор.  
Коражонга сузлар айтган  
Киличига конлар катган.

Алпомишнинг катта афсонавий куч- кудрати, қахрамонлиги достоннинг иккинчи кисмida етти йиллик зиндандан кутулиб чикиб, Тойчахон юборган лашкарга карши бир узи жангга кириб, уни тор-мор килишда янада яккол куринади:

«Сел булди калмок куз ёши,  
Шулдир Хакимбекнинг иши,  
Калмок купдир, тоб беролмас,  
Бунга рубару келолмас,  
Кулида бор кескир олмос,  
Сермаганда жон кутулмас,  
Нечовларни чопиб утди,  
Калмок юртини бузлатди,  
Бундай юртни изиллатди.  
Нечовлар майдонда турди,  
Киличнинг дамида улди,  
Калмок шохи якин келди,  
Тойчи калмок юриш килди,  
Узи тушиб уруш килди,  
Ботирлари гирдин олди,  
Бир-бирига найза солди.  
Неча найза горат берди,  
Шундай ажиб уруш булди.  
Калмок шохнинг билмаганини билдириди,  
Калмок шохин Хакимбек улдириди,  
Колганини айганига кундириди.

Куринг Ойкашقا полвонни,  
Хакимбекман саваш этган.  
Бир-бирин аклин олиб,  
Найза билан килич солиб,  
Унга Хаким келиб, голиб,  
Шердай буп устига борди.  
Сиёсатман килич солди,  
Куккашкани икки булди,  
Энди колган калмоклар.  
Кочмокни ихтиёр килди.  
Калмокларни тулаб олди,  
Бирор майдон уруш булди.  
Окади кузнинг ёши,  
От остида колди боши,  
Шулдир Хакимбек саваши,  
Талаб килиб узинг келдинг,  
Холинг билмай уруш  
килдинг,  
Бек Алпомиш дейди мени,  
Курсам улдираман сени,  
Куп одамни халок килиб,  
Бунда улдиридинг бемаъни»  
(158-159-бетлар).

(255-бет)

Достоннинг хам биринчи ва хам иккинчи кисмидаги Калмок лашкарига карши курашда Алпомишнинг адолатпарвар, оддий одамларга жонкуяр ва хайрихох, бечораларга мададкор эканини курамиз. Зоро, Алпомиш калмок юргига боскинчилик килиш учун эмас,

балки Калмок шохи томонидан мол-мулкни тортиб олиниб, узи хизматкор килингган Бойсарига мадад бериш ва уни Бойсунга олиб келиш учун боради. Хар икки холда хам Калмокшох лашкари унга хужум килгани учун душманга карши жангга отланади. Демак, адолатга карши курашади.

Иккинчи жихатдан бу курашда Алпомиш шу ердаги прогрессив кучларга таянади. Булар Калмок юртинг маликаси товка ва оддий чупон Кайкуботир. Улар Алпомиш зинданда ётганда ва ундан кутулиб чикишида катта ёрдам берадилар. Бунда одамга одам дуст булиб, яхшилик килиши, садокат ва муруват қур сатиши кераклиги таргиб килинади. Бу улуг инсоний фазилат Алпомиш Тойчахонни маглубиятга учратгач, Кайкуботни унинг урнига подшох килиб тайинлайди ва тахтни эгаллаганини конунлаштириш учун Тойчахон кизи Товкани Кайкуботга хотинликка олиб беради. Демак, Кайкуботнинг Калмок элига шох килиб тайинланишида шу улканинг Алпомиш бошлиқ Кунгиротликларга тобе килиниши ва шу йусинда марказлашган Кунгирот давлатининг ташкил топаётганини куриш мумкин.

### **Назорат топшириклари:**

- 1.1.1 Алпомиш достонида узбекхалкининг кандай кунлари тасвирланган?.
  - А) Кабилачиликдан феодализмга кучиши,
  - Б) Феодализмнинг дастлабки кунлари,
  - В) Утмиш халкларнинг орзу хаваслари,
  - Г) А ва Б жавоблар тугри.
- 1.1.2 Алпомиш калмок юргига нима учун боради?
  - А) Бойсарига мадад бериш учун,
  - Б) Бойсарини Бойсунга олиб келиш учун,
  - В) Калмок шохидан кутилиш учун.
  - Г) А ва Б жавоблар тугри.

**2-асосий масала буйича уқитувчининг мақсади:** «Алпомиш» достони ва унинг тарбиявий ахамиятини ёритиб, унинг бошка достонлардан ахамиятли томонини айтиб бериш, достонлардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари, усулларихакида сузлаб бериш.

### **Идентив ўқув максадлари:**

- 3.1.1 Алпомиш достони ва унинг тарбиявий ахамиятини ёритадилар.
- 3.1.2 Алпомиш достонини бошка достонлар билан таккослайдилар.

### **2-асосий саволнинг баёни:**

Алпомишдаги чинакам инсоний фазилатлар, унинг зулм ва разолатта карши кураши, жасур ва жисмоний бакувватлиги калмок пахлавонларидан бири Коражон билан дустлашишга сабаб булди. Масалан: Коражон, Алпомиш билан дустлашиб, уз уйидаги меҳмон килиб турганида онаси Сурхайлнинг меҳмонни ёқтирмай, айтган гапларига жавобан шундай дейди: о улгунча яратганга рост булдим, Уз феълимдан чупу хасдан паст булдим, удони уртага солиб дуст булдим,

Келган меҳмон сенинг углинг булади,  
 Ундей десанг эна кунглинг колади  
 Дустнинг меҳри жуда иссик келади,  
 Манзилига углинг айтиб келади,  
 Дуст отини бунда тутиб туради,  
 Ундей дема энажон айб булади,  
 Кунгиротнинг шункори келиб кунади.  
 Эшитса қунглига оғир олади,  
 Бундай, сузни, эна сузлаб келасан.  
 Сен дустимни душман  
 биласан  
 Бундай булса, сен имонсиз уласан.

Шу сузларнинг узиёқ Коражоннинг Алпомишга самимий ва содик дустлигидан, унга хеч качон хиёнат килмаслигидан далолатдир. Ҳакикатдан хам достонда тасвирланган воеалар шаходатига кура, Алпомиш билан Коражон дустлиги адолат ва ҳакикат, озодлик ва тенглик, инсон хукуки ва номуси учун курашда борган сари мустахкамланиб, Барчин шартларини бажаришга, қалмокларнинг туксон алпини енгишга, Барчин ёрини олиб, уз юртига келтиришга мадад беради.

Масалан: Барчин куйган шартларнинг иккитасини Алпомиш номидан Коражон бажаради: кирк беш қунлик пойгода катнашиб қалмок алпларининг жабру-зулмига қарамай биричи булиб етиб келади, бир кам туксон алп билан кураш тушиб, барини енгади.

Достонда анашу кураш лавхалари гоят жонли ва жозибали тасъ вирланган. Чунончи, Коражон билан алплар кураш тушиб, барини енгади.

Достон ана шу кураш лавхалари гоят жонли ва жозибали тасвирланган. Чунончи, Коражон билан алплар курашидан бир лавхани куздан кечиради:

...Аччикланибтаги қалмок келади ,  
 Коражонинг ишин бари куради .  
 Каҳрланса тошни ёрар қахари,  
 Туксон норнинг гушти булмас нахори.  
 Хар изига кетар анча баҳори,  
 Шундай қалмок келиб кирди майдонга,  
 Жафолар солгандир, тандаги жонга,  
 Хазон бу лса зоглар кунар гулшанга,  
 Дусор булди Коражондай полвонга,  
 Ушлагандан буни отди осмонга.  
 Таги хам бир қалмок келди майдонга,  
 Олтмиш кари олачадан бир кари,  
 Туксон куйнинг терисидан телпаги.  
 Шундай қалмок келиб кирди майдонга  
 Коражонбек жуда гайрат килади.  
 Кайсардай буб, бул олишиб туради.  
 Кейнига кайириб ерга уради,  
 Келган қалмок армон билан улади.  
 Дусти учун жуда хизмат килади.  
 Коражондан бекнинг кунгли тулади.  
 Келган қалмок сира омон колмади.  
 Коражонбек узи танҳо турибди.  
 Коражонбек ёлгиз килади ишни,  
 Қалмок тарафидан таги етишди,  
 Қалмокларнинг бунда холин билади.  
 Майдонга келгани колмай улади.

Хуллас достонда Алпомиш билан Коражон уртасидаги дустлик ҳакконий ва хаяжонли лавхаларда зур маҳорат билан тасвирланган булиб. Коражон образи оркали

турли элатлар уртасидаги инсоний фазилатлар – садокат, шиори эди, самимият, меҳр-вафо билан жанбозлик, катъйилик улугланади.

Достон Алпомишнинг каҳрамонлик ишларида. Ёри Барчин ва синглиси Калдиргоч каби етакчи образлар хам мададкорлик килади. Уз элига ва юртига мухаббат, уз оиласи, ёри ва жон – жигарларига садокат, мустакиллик ва жасорат бу образларнинг ички моҳиятини ташкил этади. Улар юксак инсоний фазилатлари, акл-фаросат, уринли ва кескин хатти-харакати, жасур ва куркмаслиги, тадбиркорлиги билан Алпомиш ва Коражонни каҳрамонликка ундаиди. Чунончи, Барчин гоят ёшлик чогидаёқ, эркин фикр юритадиган, ота-онасининг хатти-харакатига, норозилик билдиришга узида журъят топадиган образ сифатида номоён булади. Ун минг уйли Кунгирот уругининг Кашал юртига кучишини купчилик маъкуллаб турган бир пайтда, Барчин бунга карши чикади . Бу харакати билан у Алпомиш гоясини куллаб-куватлади. Чунки, Бойсари бошлиқ ун мингли Кунгирот уруги Бойбурига закот тулашдан бош товлаб, Кашал юртига кетаётган эди, улар закотга карши эди. Барчин эса, элни кучмасликка тарғиб килар экан, у Бойсарига закот тулатиб, шу ерда тарафдори. У калмок юртига кучиш ёмон оқибатларга олиб келишини олдиндан сезиб, бу ишда онасини айблайди ва ундан мадад сурайди:

Уйилмай куймасин кулбайи хонам,  
Ох уриб, йиглайди мендайин санам,  
Калмокка коларда, гулдайин танам  
Хужа келса чикар мурид назари,  
Хотин булмасмикан эрнинг вазири.  
Эр деганинг акли олмас булурми.  
Алдаб-сулдаб йулга солмас булурми.  
Бой отамман бий бобома не булди.  
Эна, эшит мени айган сузимни .  
Зафарондай сулдирмагил юзимни,  
Калмок булиб, кулдан берма кизингни.

Бу эпизотдан шу хакикат аник куриниб турибиди, кадим-кадимдан узбек оиласида аёл эринг унг кули, маслахатгуйи, ярим пир, жуфти халол деган миллий анъана хотинга ишонч ва садокат удумига ишора килинайади.

Барчин марлик ва довюраклиқда, уз куч-кудратини номоён кила билишда, Тойчаон алларига, teng келадиган ботир, жисмоний жихатдан етуқ алп ва гузал киз сифатида тасъирланади. Чунончи, туксон калмок алвидан бири Кукаман Барчин утовига келиб, ота-онангни улдириб, мен сени зурлиқдан оларим бордир деб, дук пуписа килганида, Барчин унга шундай дадил жавоб беради:

Хар сузимни олавердинг киёма,  
Кулингдан келганин килавер аяма.  
Мени олмокка хаддинг борми калмоклар,  
Уз йулинга боравергин бадбаҳтлар.  
Оти Алпомиш ёрим бордир.  
Макасда шункорим бордир,  
Элда зураборим бордир,  
Катордаги норим бордир,  
Чилла кирганда маст булган,  
Хатапага бошин урган,  
Не зурларни додин берган,  
Кунгиротда кайсарим бордир,  
Хабар берса, бек Алпомиш келмасми,  
Хоним келса сендей клемок улмасми,  
Холинг билиб тугри юрсанг булмасми,  
Келса-келар кунгирот элидан Алпомиш,  
Келмаса мен такдиримдан куарман,  
Эркак либосини узим киярман.  
Бор кучимни билагимга жиярман.

